

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# 2008 йил — Ёшлар йили МУБОРАК БЎЛСИН!

**“Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажгимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”...**  
Ислом КАРИМОВ

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚИ ЭНГ МУНОСИБ  
НОМЗОДНИ САЙЛАДИ**

**23 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайлови бўлиб ўтди**



## ЭРТАМИЗ ЯРАТУВЧИЛАРИ УЧУН

Юртбошимиз доимо болаларимизнинг “биздан-да кучли, доно, билимли ва бахтли бўлиши шарт”лиги ҳақида таъкидлайдилар. Ҳақиқатан ҳам ёш авлод қиёфасида замоннинг акси намоён бўлиши керак. Мамлакатимизда эртаимизнинг яратувчилари учун ҳамма шарт-шароит муҳайё.

23 йилдан буён халқ таълими тизимида ишлайман. Болалар билан ишлаш шу қадар завқли-

ки, уларнинг беадок саволларига жавоб бериш учун тарбиячи ҳам ўқиш, ўрганишдан чарчамаслиги керак. Боғчамизда 100 дан ошқ боланинг орзу-умидлари, мурғак тасаввурлари билан ҳисоблашамиз. “Учинчи минг йиллик боласи” Дастури йўналишлари асосида иш олиб борарканмиз, уларни ҳар томонлама етук ва соғлом бўлишларига ҳаракат қиламиз. Болаларимиз ҳам жуда интилувчан. “Тиллар” фестивалида Қорақалпоғистон республикаси бўйича 1-ўринни эгаллаган бўлишса,

“Соғломжон-полвонжон” спорт мусобақасида туманда 2-ўринга чиқишди. “Кичик ҳамшира” тўғараги аъзолари эса ўз маҳоратлари билан тиббиёт ходимларини лол қолдиришарди.

2008 йил Қорбобо болаларимизга янада катта имкониятлар, имтиёзлар совға қилишидан умидвормиз.

**Ширин КУШИМОВА,  
Қорақалпоғистон  
республикаси,  
Беруний тумани, 13-боғча  
мудираси.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 23 декабрь кuni ўтказилган сайловнинг дастлабки яқунларига бағишланган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг янги тарихи, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда тарихий босқич бўлганини таъкидлади.

Сайлов муқобил асосда мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Сайлов жараёнининг қарийб 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирокида кузатиб борилиши ҳам сайловнинг очиқ ва ошқора ўтишини таъминлади. Бешта халқаро ташкилот – МДХ, ЕХХТ, ШХТ, ЕвРА-ЭЭС, ИКТ, 30 дан орტიқ хорижий мамлакатдан келган кузатувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари сайловни кузатиб борди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий журналистлар иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов брифинг қатнашчиларига сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайло-

вининг дастлабки яқунларига кўра, Ислом Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди. Аслидин Рустамов 468 минг 64 овоз – овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, Акмал Саидов 420 минг 815 овоз – 2,85 фоизи, Дилором Тошмуҳамедова 434 минг 111 овоз – 2,94 фоизи миқдорда овозга эга бўлди. Бунда бюллетенларнинг 2,94 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқаётганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ихтиёрида қарор қабул қилиш ва сайлов яқунларини матбуотда эълон қилиш учун яна 10 кун вақт бор. Шу муддат ичида округ сайлов комиссияларининг ҳар бир протоколи, ҳужжати яна бир марта синчковлик билан текширилади. Марказий сайлов комиссияси зарурат туғилган тақдирда айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини ҳам текширади ва шундан сўнг қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари ҳақидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Мустақил Ўзбекистон халқи Ватан равнақи, ўзининг эзгу орзу-умидлари, осуда ҳаёти ва фаровонлиги учун овоз берди.

## ОРЗУЛАР УШАЛСИН



Ниҳоят юракларни орзқитиб ўзининг олам-олам шодликлари билан янги йил кириб келмоқда. Президентимиз тантана билан эълон қилган 2008 йил — “Ёшлар йили” деб аталди. Демак, йиллар ичидаги 2008 йил энг навқирон йил

бўлиб қолмоқда. Бу йил ёшларга, келажгимиз давомчиларига

**Янги кун, янги йил муборак юртим,  
Ёғсин осмонингда ўйнаб лайлак қор.  
Қордек тилагимни пойнингга тутдим,  
Янги йилнинг кутлуг, эй она диёр.  
Қалбларда орзулар ушалсин, кулсин,  
Шоиринг айтмоқда сен учун алёр.  
Оқ қордек ҳар уйга бахт-иқбол кўнсин,  
Янги йилнинг кутлуг, эй она диёр.  
Оппок қор, оппоқ қор йил нашидаси,  
Йил кутдим энтиқиб, соғиниб бедор.  
Сен юртим ризқ-рўзи, пок фаришташи,  
Эҳ-хе, сенда қанча орзуларим бор.  
Совгалари дунё, оппоқ қорбобо,  
Янги йил юртимни бахтга етказсин.  
Соқоллари узун қувноқ зар бобо  
Халқим минг-миг йилни бахтда ўтказсин.  
Диллар бахт майини сипқорсин, кулсин,  
Дўстларим, янги йил муборак бўлсин.**

**Дилфуза ХОТАМОВА,  
ўқитувчи.  
Тошкент вилояти, Бўка тумани.**

**“Оҳ-х, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...” деб бошланувчи кўшиқни эшитганмисиз? Ёшлигини беҳуда ўтказиб юрганларнинг армони бу! Ёшларга ҳаваси келганларнинг дил сўзи бу! Ҳа, ёшлик ганимат фасл. Ёшликнинг ҳар бир кунин олтин, ҳар бир дақиқаси олтин. Олтин қадрланса, сайқал берилса, у жиллоланади. Инсон ҳаётига, Ватан равнақига асқотади.**

## 2008 йил — Ёшлар йили

сувда окмайдиган бойлик” тўплаб олишлари зарур. Яратилган имкониятларни қадрлаш керак.

Набира қизим университетга ўқишга кириш учун имтиҳон топшираётганида уни кутиб, университет ҳовлисидаги ёзги қаҳвахонада ўтирган эдим. Ха-

шундоқ қолдириб бўлмайдим. - Эҳ, қизгина, қизгина, - дейман унга ачиниб. - Ҳали ўзинг тушуниб улгурмаган шу хатоинг кейинчалик сенга қанчалар қимматга тушишини, азоб беришини биласанми? Отанонанг, ёнингдagi йигит нега сенга лоқайд, нега?! Сени бу йўлдан қайтарадиган, соғ,

йиланмайди! - дедим. У йўлига кетди. Зора ёдида қолсам, зора ўйлаб, кўрсам... Йигитлар қаёққа қараяпис, нега жимсиз? Синглингиз ё суюкли маъшукангиз баданини кўз-кўз қилаяпти. Сиз нега жимсиз? \* \* \* Ёшлар тоғ бағрига, боғлар-

# ЁШЛИК ҚАДРИГА ЕТИНГ!

Демак, ҳаёт пойдевори, бахт ёшлиқда яратилади. Пойдевор мустаҳкам экан, ўйлаб қадам қўйилган экан: “Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини”, дея ҳеч ким, ҳеч қачон фиғон чекмайди.

Президентимиз 2008 йилни «Ёшлар йили», деб атаганини, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун катта маблағ ажратилаётганини жуда чуқур, жуда маъноли тушунмоғимиз, юракдан ҳис этиб қадрламоғимиз, ёшликни ганимат билмоғимиз керак.

Шукр, минглаб ақлли, қатъиятли, меҳнатсевар, билимдон ёшларимиз бор. Улар илм соҳасида изланувчан, корхоналарда доно мутахассис, ташкилотчи раҳбар, банкларда ҳисоб-китобли бошлик, далаларда ишнинг кўзини, ернинг тилини билган фермер, тадбиркор... Хуллас, ёшлар бизнинг ишончимиз, куч-қудратимиз. Улар ҳақида ҳар қанча ёзсак, сўзласак оз. Ёзамиз ҳам, сўзлаймиз ҳам!...

Лекин мен бу кун ана шу минглаб илгор ёшларни ёрдамга, огоҳликка чорлайман. Ҳа, улар ўзлари эришган мавқе, зафарлар билан қаноатланиб қолсаётганларга жуда чуқур, жуда маъноли тушунишни, кийиншидан огоҳ бўлсинлар, йўлдан адашганни! “Диплом олсам бўлди-да”, деб ўқишга келмаётганини, юриш-туришда фарбга тақдир қилганини тўғри йўлга ўргатиб, ёрдам бериб, ўзларининг мустаҳкам, мусаффо сафларига қўшиб олсинлар! Лоқайдликка чек қўйсинлар. Ахир уларнинг ҳам “Ёшлар!” деган номи бор! Ана ўшан-



да сафларингиз янада зич, ютуқларингиз янада мўл бўлади. Ўзбекиона қадриятларимиз баралла қарор топади. Ватанимиз обрўйига обрў қўшилади... Ёшликнинг аввали кунт, сабот билан билим олишдир. Бобокалонимиз Юсуф Хос Хожиб: “Идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир. Билим-мисоли жиллов, у барча ёмон ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади.” дейди. Демак, мактабда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртимизда таълим олаётган ҳар бир йигит-қиз тинмай ўқиши, ноёб китобларнинг мағзини қақиб, имкон қадар хунар ҳам ўрганиб, “Қобуснома” да айтилганидек “Ўтда ёнмайдиган,

ёлим набирамда. Билимига ишонсам-да, яратгандан омад сўрайман. Қарасам, рўпарамда бир йигит билан қиз, ча, чиройликини, зўр кийинган ўн етти ёшлардаги ўзбек қизи сигарет чекар эди.

Хай қиз! - дедим. - Нега чека-япсан? Агар шундай давом этсанг... Эрта-индин турмушга чиққанингда ногирон фарзанд кўрасан. Кейин бир умр йиғлаб юрасан...

- Фу, - қиз бамайлихотир тутун пурқади. - Йиғламайман. Болалар уйи бор-ку, агар ногирон туғилса... - деди.

Воҳ, қизнинг жавобига бардوخ беролмадим. Йигитга қарадим, у тиржайиб ўтирар эди. Дилим вайрон бўлганича улардан узоклашиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Йўқ, яна орқага қайтдим. Буларни

бахтли бўлишини истайдиган бирон дўстинг борми?! Жон қизим гапларимни яхшилаб ўйлаб кўр! Шундай жонкуяр дўст бўлсин, ёнингдa.

Хайрият, қиз энди индамай ерга қаради. Атрофда санокли бўлса-да ёшлар бор эди. Улар бизга мисоли томошабин эди. Йўқ, мен уларнинг фикрларини қўллаб-қувватлашларини, ўта жиддий, бу масалага лоқайд бўлмасликларини жуда-жуда истар эдим... Уларга бу ҳақда айтдим ҳам.

Ўтган йили апрель бошларида ҳаво бироз совиб кетди. Тошкент кўчаларида бораётиб, ярим бели-оппоқ, очик қизни учратдим. Изгирич эсиб турарди. Бу қиз кейинчалик бел огриғига учрамасмикан, буйраги шамоллаб қолиб, бир умр дард чекмасмикан, деб ачиндим. У она бўлишдек мураккаб вазифани удралай олармикан? Ҳамма лоқайд ўтиб борапти! Ногоҳ шоир Усмон Азимнинг сатрлари ёдимга тушди.

**Соҳилларга қуёш ва денгиз Одамларни ташлада сочиб, Қумда-эриб-мудрайди бир қиз-Баданини Осмонга очиб.**  
*Қарашлардан ногоҳ шарм крчди... Тангрим, асра ҳар хил нигоҳдан! Қиз вужудин осмонга очди-Осмон олсин уни никоҳга.* (Йигитлар шеърнинг мағзини чақинг). Мен қизни тўхтатдим. Вақтини олсам-да, шеър ўқидим. Фикримни хиҷжалаб унга очик-ойдин тушунтирдим. Эҳ, қизгина, қизгина, йўқотган соғлигингни, энг муҳими йўқотган обрўйингни пулга топа олармикансан? Эҳтиёт бўл! Кўзингни оч! Ярим яланғочлик қизларга ҳеч нарса берамайди, аксинча бадном қилади, бахтсиз қилади. Эси бор йигит баданини бошқаларга кўрсатиб улгурган қизга асло

га сайрга чиқадилар. Борган жойларини пайхон қилиб, еган-ичганларининг чиқиндисини ташлаб келадилар. Йўқ, бундай одат тушга айлансин. Она табиатни эъзозлайлик, сақлайлик. Она табиат ўзимизга, сизларга хизмат қилади.

Кўп қаватли уйларнинг йўлақаридаги чанглар қанчалар зарарли. Ҳар кун шу йўлақдан, зиналардан юрамиз. Лекин лоқайд ўтиб кетаверамиз. Келинлар ясениб, пардоз-андозни ўрнига қўйиб, супурги тегмаган зиналарни босиб ўтавермай, озодаликни касб қилсинлар! Истак бўлса-вақт топилади!

Ерни тозалаб, бир парча жойда ҳам турли кўкатлар, гуллар етиштириш мумкин. Кўп қаватли уйлар атрофида қанча ерлар инсоннинг меҳрига зор. Лекин бир боғ кўк пиёз ёки бир қўйим ўсмини ҳам бозордан олиб келамиз. Бозорга ҳамма нарса осмондан тушмайди. Ерда етиштирилади. Бу ҳақиқатни бизнинг ёшлар тушунади. Ерни эъзозлашади. Босган қадамларидан гуллар унади, иншооллоҳ!

Ёшлик - бебошлик эмас. Ёшлик-илм, ақл, хунар тўплайдиган, сабр-қаноатли бўлишни ўрганадиган, меҳнати, одоби билан таниладиган фасл. Яратганининг ўзи ёшларга умр, инсоф, куч-қудрат ва зийраклик ато этсин! Ҳаётнинг олдинги сафларидан қўлни қўлга бериб, олга интилаётган йигит-қизларга омад кулиб боксин, илоҳим! Ёшлар бизнинг суянч тоғларимиз, ишонган боғларимиз.

Оҳ-х, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...  
**Санъат МАҲМУДОВА**

### КЕЛИН-КУЁВЛАР МИННАТДОР

Президентимиз томонидан 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилинган кунларда Андижон вилояти, Булоқбоши туманидагилар қувончига-қувонч қўшилди. Барча қўлайликларга эга бўлган туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси ишга тушди. Қайта қурилган бинода эстетик дид билан безатилган никоҳ зали, келин-куёвларга, шунингдек, ота-оналарга маслаҳатхоналар мавжуд. Ушбу бинони қайта қуриш учун бюджетдан 38 миллион сўм сарфланди. Айниқса бу воқеадан ёшларимиз, келин-куёвлар чексиз миннатдор бўлдилар. Тантанага вилоят туманларидаги фуқаролик ҳола-

ти далолатномаларини ёзиш бўлимлари мудирларидан вакиллар, тумандаги ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқ тарбибот идоралари раҳбарлари қатнашдилар. Тадбирда туман ҳокимининг 1-ўринбосари Комилжон **Ахборот** Хусанов, Хўжаобод туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудир Дилноза Муталовалар сўзга чиқдилар. Шу кун янги туғилган чақалоқлар рўйхатга олиниб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, шунингдек, келин-куёвларга никоҳ гувоҳномаси топширилди.  
**Раънохон ЖУМАНИЕЗОВА, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани.**

### “АЁЛ. ЖАМИЯТ. ЁШЛАР”

Тошкент шаҳар Солиқ коллежида “Аёл. Жамият. Ёшлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.  
Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси, Республика “Маҳалла” жамғармаси, Ўзбекистон Давлат Солиқ кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси Матбуот хизмати раҳбари Х.Зокирова сўзга чиқди.  
Маърузалардан сўнг коллеж талабалари «2008 — Ёшлар йили» муносабати билан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.  
**Ўз муҳбиримиз**

### ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**Дилкаш ва беминнат суҳбатдошингиз — «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига 2008 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?**

**Обуна индекси:**  
**жисмоний шахслар учун—176.**  
**Корхона ва ташкилотлар учун—177.**

Эл назаридаги инсонларнинг одамлар тасаввурига ўрнашган сувратлари бўлади. Кимнингдир исми-шарифини эшитганингизда кўлида тор билан кўз олдингизга келади. Бошқа бировни пахтазорда, яна бўлак кишини бугдойзорда тасаввур этасиз.

Ўзбекистон халқ шоираси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси Ойдин Ҳожиева, “Меҳнат шухрати” ордени нишондори, моҳир адабиётшунос Иброҳим Фафуров исм-шарифларини бирга айтсак ёки эшитсак-чи? Стол, китоблар... Қоғоз устига мук тушиб ишлаётган ижодкорлар... Балки, “мук тушиб” иборасини нотўғирок кўллагандирман. Чунки бу иборода озгина бўлса-да, захматнинг юки баробарида малолли бордай. Бу икки ижодкор эса қоғоз, китоблар ичида, санъаткорлар таърифи билан айтганда, “чўмилиб” яшашади, назаримда. Одам ўз ишини яхши кўрса, унинг изтиробларини ҳам севса, кўз устига қўйса, машаққатларидан роҳат топади. Ойдин опа билан Иброҳим ака, менинг назаримда, ижод захматларидан роҳатланиб яшайтган инсонлар.

**ОШИҚЛАР ЧАЛСАЛАР, ТАРОНАДУРМАН...**

Мен эл таниган шоира Ойдин Ҳожиеванинг сувратини илк бор “Саодат” журналы саҳифаларида кўрганман. Атлас кўйлақда, 60-йилларда урф бўлган баланд турмақда, аммо фарқлари тўғри очилган эди. Кошкўзлари порлаб, эсимда қолган. Янги йил ҳақида ширингина шеър бор эди суврат остида. 1976 йилда илк бор “Шарқ юлдузи” журналы таҳририятида учрашдим. “Шарқ юлдузи”да чоп этилган илк шеърим туркумимни ҳам, “Саодат”да жаннатмақон устозимиз Зулфияхоним “оқ йўл”лари билан эълон қилинган тур-

ҳаётда ҳам аёлларга катта бир меҳр билан қарайдилар. Хизмат сафарлари сабаб юртимизнинг жуда кўп жойларида бирга учрашувларда бўлганмиз. Кўёшда чехраси қорайган дехқон аёллар ийманиб-ийманиб бир-икки оғиз сўз айтса, Ойдин опа минбардан туриб ўша аёлнинг исмини кўшиб тўрт сатр шеър тўқиб юбордилар. Умри захмат ичида келаётган аёл исми шеърга қўшилганидан боши осмонга етади. Ойдин опанинг ўзлариям хурсанд бундай давраларда. Ҳар бир давранинг жон томирини топиб сўзлайдилар, ҳикоя, ривоятлар билан аёлларни ўзига ишонишга, яхшиликка довлайдилар. Ҳар бир айтил-

**ҚАЛАМ ДЕҲҚОНЛАРИ**

**“НЕКИ МЕН ДЕДИМ МУҲАББАТДИН ЭДИ”...**

Ҳазрат Алишер Навоий қаламларига мансуб бу сатр билан таниқли адабиётшунос, моҳир таржимон, адиб, фаол жамоатчи Иброҳим Фафуров орасида бир боғланиш кўраман. Чунки Иброҳим аканинг қаламига мансуб ижод намуналарини ҳам, устоз, муҳаррир, фаол жамоатчи сифатида қилган ишларини ҳам меҳр-муҳаббат нури ёритиб тургандай. Ҳаммасида ақл билан баб-баравар юрак иштироки бордай...

Мен Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти (у пайтлар шундай аталарди)да Иброҳим ака билан бирга ишлаганман. Нашриётда ҳаёт денгиздай қайнарди. “Адибнинг биринчи китоби”, “Дўстлик” каби янги сериялар пайдо бўлган, нашриётнинг тор хоналарида Расул Ҳамзат, Қайсин Қулиев, Евгений Евтушенко каби дунёнинг забордаст зоирларининг шеърлари таржима қилинарди. Мустақиллик арафасидаги миллий йўғониш руҳининг юраги бўлган ёш шоирлар, адибларнинг ҳаммаси кунига ҳеч йўқ бир марта нашриётни айланиб кетишарди.

Бугунги шеъримизнинг байроқдорлари Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, улардан олдингилар, кейингилар... Қанчалар кўз нури, меҳр-муҳаббати тўқилди экан Иброҳим аканинг уларнинг илк китобларига... Иброҳим ака ёш шоирларга, уларнинг истеъдодига хурмат, муҳаббати ёнига жасоратини қўшиб, ўша тўпламларга “Нашрга!” дея имзо қўйганлар.

Иброҳим Фафуров кейинчалик “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишга ўтдилар. Севимли газетаяна ҳам сеvimли бўлди. Мен ўша пайтларда газетандаги оддий хабарларни ҳам ютоқиб ўқирдим. Нимадир олардим. “Адабиёт, санъат” — (шундай атардик)да чиққан ҳар бир ҳикоя, шеърим туркум воқеага айланарди.

Одам — яхлит хилқат. У устоз, муҳаррирлигида бошқача, таржимонлигида бошқача намоён бўлмайди. Қайси соҳада бўлмасин, унинг “мен”и бош кўтариб, кўринаверади.

“Панчатантра”, “Телба”, “Жиноят ва жазо”, “Алвидо, курол”, “Киёмат”, “Зардўст таваллоси”, “Бузрукнинг кўзи” каби асарларни ҳам Иброҳим Фафуров сабр-қаноат билан таржима қилди, дейиш мумкин. Чукур билим билан, матонат билан... Аммо мен яна ўша “меҳр-муҳаббат” сўзини ишлатгим келади. Достоевскийнинг азобларини, одам боласининг юрагини тилка-пора қиладиган изтиробларини муҳаббатсиз бошқа тилда ифодалаб бўлармиди? Чингиз Айтматовнинг “Киёмат”даги узун-узун фалсафий жумлаларининг “Зардўст таваллоси” асарининг ўзбекча муқо-



Кутлов

били оҳангини топишнинг ўзи бир қийин меҳнат. Иброҳим Фафуров ҳаммасининг урдасидан чиққан. Иброҳим Фафуров таржима қилган асарларда жуда улкан руҳий изтироб бор. Майли, у одамни майдаламасин, майли, ҳаётга муҳаббат уйғотсин. Майли, ёруғ бўлсин, лекин барибир изтироб... Шунча изтиробни Иброҳим ака қандай кўтарди экан, деб ҳайрон қоламан ва албатта бунда меҳр-муҳаббатли юраги ёрдам берган, деб ўз саволимга ўзим жавоб топаман.

Адабиётшунос, адиб сифатида бошқа ёзганларини бир чеккага қўйиб, биттагина 2006 йилда чоп этилган “Ҳаё — халоскор” китобининг ўзини ўлчовга солсак ҳам, оғир тош босади.

Авалло китобга кирган мақолаларнинг қарови кенг: Бобораҳим Машрабдан ҳазрат Навоийгача, Тагордан Маркесгача, Сўфи Оллоёвдан Абдулла Қодирийгача... Оралликда қанча кезинишлар, қанча сезимлар. “Машрабнинг исёни гафлатда ётишга қаратилган эди”.

“Навоийни толдирган, унинг умрини қисқа қилган ва ҳатто насл қолдиришдан мутанаффири қилган асосий сабаблардан бири ўзаро низолаб эди”.

“Чамаси, ёлғизлик ва ёлғизлик хоҳишлари кишининг тўдадан шахс каби айрила бошлагани белгиси”.

“Озодликдан фаровонликни устун кўриш ахлоқсизликдир”.

Бу гапларнинг бириси муаллиф фикри, бириси — таржима. Аммо ҳаммаси “Ҳаё — халоскор”дан олинган. Ва ҳар бир жумла инсоннинг камолоти йўлидаги тарбия йўлининг сарлавҳаси бўлиши мумкин. Ҳар бирига одам боласи руҳан суяниб ўрнидан туриши, суяниб юриши мумкин.

Иброҳим акани хокисор инсон дейишди. Эҳтимол... Балки, бу инсоннинг хокисорлиги тупроқ кабирид. Оёғи тегиб турганларга елка тутайди, қиш аёзлари, ёз ҳароратларини ўзида асрайди, кўкарса, сўз, илм бўлиб кўкаради.

кумимни ҳам муҳаррир сифатида Ойдин опам назардан ўтказганлар. Балки, бу бежиз эмасдир. Балки, бу тақдирдир. 1994 йилдан буён Ойдин опам билан “Саодат” журналида бирга ишлаб келяман. Иш — куч. Икковимиз ҳам аёлмиз. Баъзида аччиқчучуқ гаплар ўтади. Аммо бир айланада айланаётган жисмлардай бир-биримиздан узоқлашиб кетолмайми. Балки, ўша мен Ойдин опанинг чиройли расмига термулиб, ҳавасланган дамларим ёки “Шарқ юлдузи” таҳририятида:

— Бир хил вазнда ёзманг, шаклий илзанишлар қилинг, бўлмаса, ўқувчини толиқтирасиз, — дея майин овоздаги насихатларини эшитиб, жим ўйланиб қолган оналарим бугунги узоқ давом этаётган биргаликнинг пойдеворидир.

Шу ўтган йиллар ичида мен кўп бора шоирани қайта-қайта кашф этдим. Аввало шоира сифатида. Даствабки “Шабнам”, “Наво” тўпламларида Ойдин опа ярим овозда куйлаётгандай туюларди. Балки, давр руҳидир, балки, бошқа...

Аммо кейинги тўпламлар, айниқса, “Кўзимнинг оқу қароси”, “Паноҳим”, “Назокат” тўпламларида Ойдин Ҳожиеванинг улғайган дардлари, улғайган изтироблари адиқ намоён бўлади.

**Майсадай шимиргин офтоб ўтини, Кўзидай шимиргин баҳор сутини, Авайла юракни — бу руҳ кутини, Уйғоқ яша, гафлат сенга ор экан...** Ёки: **Қалдирғочлар, уйғот мени, Чигирликларга от мени, Тегирмонингда торт мени, Уйғот мени!** Шоира ўзи халқ дарду қувончларига яқин яшаш, шу қувончу ташвишлар учун юракни аямай сарфлаш кайфиятига киргани учун ҳам шеърляти уйғоқ, салмоқли шеърлята айлана борди. Ойдин опа фақат шеърлята эмас,

ган фикрдан фазилат ахтардилар, “Кутлижон, дафтарчангизга ўзларининг айтган сўзларини ёзиб кўйинг, халқимиз жуда донишманд, ўзингиздан тўқиманг”, дейдилар. Айниқса, истеъдодли кизларга, ёш шоираларга жуда катта меҳр билан қарайдилар. Қизлар залда ўтириб, ўқувчи варағига шоша-пиша ёзиб чиқарган сатрларни дафтарлари орасига авайлаб солиб келиб, битта-битта кўриб, кўчиртирадилар. Бирортаси эсларидан ҳам чиқиб кетмайди:

Балки, шунинг учун “Саодат”га кўллаб ижодкор қизлар келар... Кўплар Ойдин Ҳожиевани китобчасига сўз ёзиб беришни сўрар... Шоира ҳаммасига вақт топади. Холбуки, “Саодат”нинг иши енгил эмас, бир ёқда “Гулчехралар”, унинг ҳам меҳнати бир журналнинг меҳнатига тенг.

Ойдин Ҳожиеванинг фақат таҳририят ишларида, сафарларда эмас, ҳаётда ҳам кўп нарса ўрганамиз, опа ҳар доим ҳам тўй-томошаларга улгуравермаслиги мумкин, аммо бировнинг оғир кунига ҳеч қачон ўзини тортмайдилар. Азаларга, хасталарни йўқлашга, ҳайитларда қабриситонларга зиёратларга ҳамisha бизни бошлаб борадилар. Изидо дуоғўйи йўқ, дея Мақсуд Шайхзода қабрига гул қўйганларида ҳам гал йиғлаб оламан.

Бир дона гули икки бўлса, биттасини албатта, кимгадир тақдим қиладилар. Кўп ичида оғир, вазмин бўлиб сўз айтиб, билиб қадам ташлайдиган Ойдин опа ҳақида ёзганда нукта қўйиш осонмас.

**ГИЁҲ, ЭДИК, ЧИННИГУЛГА АЙЛАНДИК**

Ойдин опа битта шеърлята шундай ёзди. Шеърни давом эттирсак: **Сибизгадай соддагина куй эдик, Меҳр кўриб, минг бир тилга айландик...**

Ҳақиқатан ҳам, адабиётда ўз ўрнига эга икки катта ижодкор бир оила бўлиб бирлашса, ҳар доим ҳам омадли ҳаёт кечирisha вермайди... Бу ҳам табиий ҳол. Аммо Иброҳим Фафуров билан Ойдин Ҳожиева бир-бирини тўлдириб, бир-бирини бойитиб, адабий оила бўлиб яшаб келишяпти. Китоблар чоп эттиришяпти, фарзандлар камолга етказишди, набиаралар кўришди. Бу ҳам аслида ўз-ўзидан бўлмайди. Оила ҳам жуда катта захмат эвазига бунёд бўлади. Демак, бу икки инсон фақат адабиётда, ўз касбу қорига, устозлик мақомида эмас, оиланинг ҳам ҳақиқий захматкашлари. Барча меҳнатларингиз роҳат бўлсин! Бу кутлуг кунинг энг арзирли тилақларидан бири — шу.

Кутлибча РАҲИМБОЕВА

**О**хирги вагонга зўра илашдим. Тиқилнчада ўзимга кулай ҳолат топиб жойлашиб олдим. Ёнимда елкаси елкамга тегиб турган йигит рўпарасида турган ўртоғи билан қадим хотирларини берилиб гаплашиб кетишарди. Биров-

Бор-е, акангни ҳам, сени ҳам дедим. Бундайлар билан йўл-йўлакайга гаплашиб юриш мумкин. — Унақалари тўлиб ётибди. Лекин-чи, буларни билиб бўлмайдими? Рўшони бор-ку, синфдош, шунақасига тушиб қолибди. Тўйи куни билдим. Ким

келишди. "Ана, ўшалардан", дея баробарига чалишди йигитлар. "Гамашини кўрсанг оғзинг очилади", — дерди қизлардан бири, — алми-соқдан, ўн бешинчи асрдан қолганми дейсан. Сочлари ёйилган биттаси "кашшмар..." лаганича

- Мен руҳан жуда ёлғизман, — дея йиғлаб гап бошлади тахририятимизга Намангандан кўнғироқ қилаётган Лазиза исмли келинчак. Уни саволга туддим: - Ёшингиз нечада? - 22 да. - Нима иш қиласиз? - Ишламан. Эмизикли болам бор.

- Овунчоғингиз бор экан, нимага ёлғизман дейсиз. Дунёнинг бор гаму ташвиши фарзандингизнинг бир жилмайиши олдида бир пул-ку, таскин берган бўламан унга. - Нима гап ўзи, тушунтириброқ гапиринг. - Турмуш ўртоғим мендан 10 ёш катта. Мен иккинчи оиласиман. Ота-онам унинг

йўл тутинги, эрингиз сиздан камчилик топа олмасин. Аёл ўз зиммасидаги ҳамма юмушларни рисоладагидек уддалай олса, эркак сиртида айтмасида ичичидан, худого шақр, хотин танлашда адашмадим, деб суюнади. Агар хотин бўлар-бўлмасга турмуш ўртоғини тергаса, рўзгорни саранжом-саришта тутмаси, боз устига ўзига қараб юрмаса, топиб-тутиб келаётган эрингиз ичида норозилик исёни бошланади. Бу исён унинг юз-кўзига, муомаласига ўз таъсирини ўтказади. Сиз нукул эрим нимага бундай деб, уни

# МЕТРОДА...

нинг гапига кулоқ солиш одобдан бўлмаси ҳам аввало мажбуран, кейин беихтиёр тинглай бошладим.

- Ў, Бахти, анавининг эрга тегибдими? Жа-а, керилиб кетиб бораётган экан. "Яхшимисиз?" - десам бир им қоқиб ўтиб кетаверди. Ўзи ҳам мана бундай семирди кетибдими, кўрдингми яқин орада?

- Кўрдим. Ҳеч кўркмайдими ҳам. Ўзи бизнинг қиссамизни бутун Янгийўл биларди-да. "Ҳали ҳам уйланмадингизми?" - дейди. Айтишча, унга уйланмаслигини билгандан кейин ҳозирги эрини суриштириб ҳам ўтирмай, тегиб кетганмиш...

Овоз бир товланиб, яна изга тушди.

- Онасини эмгур, вақт-бевақт кўнғироқ қилавериш безор қиларди. Ўзи ҳозиргиларда уят қолмаган. Индамасанг бостириб келаверадиган. Яқинда биттаси билан танишгандим. Ўзи чиройли киз экан-у, аммо хотинликка ярамайди. Уйига кўнғироқ қилсам, биров олди, акасиман, деди-да, синглисини чақириб берди. Трубкани қўйиб қўйдим.

экан десам, сен ҳам биласан уни, ётоқхонага, бир боланинг олдига келиб-кейтиб юрарди. Яна Худо биллади, соғми, касалми?

- Рўшнинг ўзи ҳам шунга лойиқ. Ҳозир ичкиликка робса берилиб кетибди, деб эшитдим.

- Йигитчилик-да. Ўзинг қалайсан, ҳали винога ўтмадингми? Бахти, Содиклар ичмайдиган бўлишдими? Қасам ичишибди дейишади. Уларнинг тилини мана биз биламиз-да. Онасини эмгур, уларнинг нари борса қасами ярим соат. Ўзи тилаб ичади кейин. У қоқ балиқни ёқтиради. Ошхонага бошлаб борасан-да, унга кока-кола, ўзингга яримтани қўйиб, майдалаб олаверасан. Тоқати битида-да, кока-колани иргитиб шишага ёпишади.

Навбатдаги бекат... Бир қисм йўловчилар сурилиб чиқиб, бири-бирдан чиройли ва зўр кийинган қизлар тиқилинча парво қилмай, гўё туғилганларидан бери қийкириб кулишганларича, гувиллаб кириб

танглай тили кўринар даражада очилган оғзини йиғиштиришга ақли етмасди. Кўринишларидан миллатини билиб бўлмайдиган бу қизлар бир неча тилларда аралаш-қуралаш гапирарди, ора-сира "қай-нанашқа", "кеннаюшқа" каби "деҳқонча" сўзлар оғизларидан чиқиши билан кулгилари вагонни кўтариб, ўзлари ҳам гўё ўта замонавийликдан бу замонга сиғишмас, бемисл шодликлари қанотида қандайдир фазоларга учиб кетажаклари аниққа ўхшарди.

"Буларинг ичида бутуни қолмаган, ҳаммаси чатнаган, синган...". Бу шарх йигитлар томонидан эшитилди. Қизларнинг кулги тўфони уларнинг гапини босиб кетди.

Навбатдаги бекат... Итарилиб, сурилиб вагондан чиқдим. Эскалаторда ҳам одамлар тигиз, бири-бирининг изидан турна қатор юқорига ўрларди. Қани энди шу кетишда кетаверсанг, кетаверсанг..., кўрмасанг, мажбуран эшитмасанг, кейин эшитганларингни гийбат қилмасанг... Яна беш дақиқадан кейин ишда бўламан, хайрият улгураман...

**Кулоққа чалинган гап**

"Дамас"да шаҳарга кетаялман. Хар ким ўз-ўзи билан овора. Ёнимда ўтирган киз билан йигит даярли шивирлашиб ўз ишлари ҳақида гаплашиб кетаяптилар, чамамда. Эътибор бермасам-да, мен билан ёнма-ён ўтирганлари учун беихтиёр гаплари кулоғимга чалинди. Ота-оналари ҳақида гаплашмаяпти. Гаплари маънили, ота-оналарини ҳурмат қилишлари шундоққина кўриниб турибди. Ногоҳ

чидан? Чаккичимисан? Қаерданман? Навойиданман. Навойини биласанми? Қаерини биласан? Россияни биласан, ишга борганман дейсанми?! Ў, зўр экансан-ку. Навойи шаҳрида бўлганман дейсанми? 9-микрорайонни биласан? Ҳа, ўша 9-микрорайонда тураман. Ҳозир йўлдаман. Нима қиласан? Ашула айтиб бераман дейсанми? Хатирчиликлар ашула айтиб бериб танишадиларми?... Ашу-

ёнма-ён ўтирган йигит-қизнинг сипоғина шивирлашиб суҳбатлашганию, шулар тенги қизнинг ҳамманинг тинчи бузиб, телефонда бемъани суҳбатини... Жамоат жойида суҳбатлашиш одобини баъзи бир ёшларимиз унутиб қўйишяпти. Ахир ҳозирги вақтда мактабларда "Одобнома" дарслари ўтилмоқда ёки мактабни битирдим, бу ёғига ўзим билан демокчимилар. Орамизда одобли йигит-қизлар кўп,

мол-дунёсига учиб беришди. Бир йил ҳам уйнаб-кулиб яшамадик. Оғир оёқ бўлганимдан кейин ўзгарди қолди. Бормисан-йўқмисан демайди. Фарзандим ҳам туғилди. Энди ўзгарар десам, мана қиза-лоғим 3 ойлик бўлди ҳамки ўзгармади. Тўғри, қизини яхши кўради, лекин менга бепарво. Кун бўйи уйда ўтираман. Эрим эшикдан кулиб кириб келишини, бир оғиз ширин сўз билан сийлашини қанчалик орзу қилишимни билсангиз эди. У бўлса қовоқлари осилиб кириб келади. Ювиниб чиқиб диванга ўзини ташлайди. Дастурхон ҳозирлаб чорласам ҳам елкасидан тоғ босиб тургандай уф тортиб ўтади. "Нимага бундай қиласиз", - десам: "Чарчаб келганман, чакагингни ўчир!", - деб оғзимга гап билан уради. Нима қилишга ҳайронман. Оилада менинг ўрним, кадр-қимматим йўқми, деб фиғоним фалакка чиқади.

- Эрингиз сиздан ўзини устун қўяди, шундайми? - Ҳа, шундай... - Синглим, одам ўз қадрини ҳам билиши керак. Эрга гап қайтариб, мен сендан кам эмасман, деб эмас албатта. Шундай

ўйлаганингиз ўйлаган. Ўзингиз ҳақингизда ўйлашга вақтингиз йўқ. Ширинтой гўдагингиз ҳам жонингизга оро кирмай қўйибди. Аввало одам ўзини-ўзи суюши, ўзини-ўзи эркалаши шарт. Чунки сен бировни суйсанг, у сенга беъэтибор бўлса, албатта алам қилади кишига. Шунинг учун аёлдир, эркакдир аввало ўз қадр-қимматини, гурурини ҳамма нарсадан устун қўйиши керак.

Зинҳор ба зинҳор эрингизга зарба бериш ниятида қарама-қарши келиб ўтувчи сўқмоқларни танламанг. Бу жуда хаттарли. Ҳаётда сигналган ва ўзини оқлаган муро-са-ю, мадора йўлига кеч бўлмай ўтиб олинг. Шунда ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ён бериш, тўғри маънода ярим галаба дегани синглим.

# АВТОБУСДА...

орқа томондан кимнингдир кўл телефони овоз берди. Бир вақт ёшгина қизнинг: "А, кимсан?!" - дея бақирган овози эшитилди. Йўловчиларнинг барчаси бараварига орқага қарадик. Келишган, чиройликкина 17-18 ёшлардаги қиз кўл телефони кулоғига тақаб олганича овозини баралла қўйиб гапир бошлади.

-А? А? Кимсан? Қаттиқроқ гапир. Танишайлик? Майли, танишаварамиз. Отимми? Отим Исмаилов, Исмаилов, даяпман!.. Ҳа, фамилиям От-кулоқ. Ана биларкансан. Қаерданман, дейсан? Хатир-

лачи бўламан дейсанми? А? А? ... ва ҳоказо бемаъни гаплар. Бир кулгим келса, бир жаҳлим чиқди. Бу жамоат транспорт бўлса. Телефонда гаплашиш одоби қани? 15-20 дақиқа шу тарика бақир-чақир билан гоҳ бақчана кулиб, гоҳ енгилтақона савол-жавоби билан ҳамманинг асабига тегди. Ниҳоят қиз телефондаги суҳбатдоши билан хайрлашди... - Эртага ҳам телефон қиламан дейсанми? Майли қил. Гаплашамиз. Хайр. Бўпти. Кутаман! Қиз хунук кулди. "Дамас" ичи яна тинчиб қолди. Беихтиёр ўйланиб қолдим. Мен билан

аммо суҳбатлашиш одобини билмайдиган йигит-қизлар ҳам йўқ эмас. Жамоат жойларида ўзаро суҳбатлашадиган, телефонда гаплашадиган йигит-қизларга илтимосим одобни унутманлар. Зероки, одоб-инсоннинг бегагидир. 21-аср фан-техника тараққий эти асри. Сиздан узоқда бир инсон билан симсиз бир зумда улашиб гаплашасиз. Ахир бу мўъжиза эмасми. Мана шу мўъжизадан оқилона, одоб билан фойдаланайлик.

**Замира БОЗОРОВА,**  
Навоий вилояти,  
Навбахор тумани.

# ЁН БЕРИШ ҲАМ

Кўнғироқларингиз...



# БИР САНЪАТ



**“Тарбия ўчоғи қайда”?-41-сон**

**ЭСЛАТМА:** Ҳар бир ота-она фарзандининг яхши инсон бўлиб етишишини истайди. Тарбиянинг ўчоғи оилада, мактабда, маҳаллададир. Бироқ фарзанди тарбиясига бефарқ ота-оналар ҳам борда. Шундай экан, сиз-чи, азиз ўғилдош, фарзандингиз қандай тарбия толаётини, ана шунга эътибор қилаяйсизми?  
Муаллиф: Саломат Маматкулова

истироҳат боғига кирдим. Ҳуриятлардан бирига ўтириб кўлимдаги газетани варақлашга тушдим. Бир пайт 40-45 ёшлардаги ўзбек аёли ёнимга келиб: “Ука, истасангиз яхши дам оладиган жой ва 15 яширдан бор, юринг”-

ниб қарашини тасвирлаб бўлмас. Ошхона хизматчиси улар олдига 4 сихдан кабоб ва 1 шиша ароқ келтириб қўйди. Иккови кабоб еб, стаканни чўқиштириб ароқни ичишга тушди. Бунинг устига сигарета ҳам чека бошлашди. Мана сизга салбий манзаралардан бири... Самарқанддаги бекатлардан бирида танишимни кутиб турибман. Ёнимга 17-18 ёшлар чамасидаги бола ке-



Мақолани ўқиб, бир танишим айтиб берган воқеа эсимга тушди. Унинг 7 нафар: 4 ўғил, 3 қизи бор. Уғилларининг 3 тасини уйли-жойли қилган. Қизларини турмушга узатган. Оиласининг энг кичкинаси - кенжа ўғил ҳозир коллежда ўқияпти. Бир этак невалари бор. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Лекин шу танишим кўпинча кенжа қизининг турмушидан шикоят қилиб қолади: - Қизларингизни чиқариб ҳам ҳеч тиниб-тинчиб ўтиролмас экансан. Қудаларим ўтган сафар ҳе йўқ, бе йўқ қизимни ҳайдаб юборишганида, турмушда нималар бўлмайди, ярашиб кетишадди, ўртада бола бор, деб ўйлагандик. Бир ҳафтага қолмай юқларини олиб келиб ташлашди. “Гап нимадалигини билмай, қудаларимнинг муддаоси нима экан, қизимиздан қандай айб ўтди экан”, деб ўзим суриштиришга бордим. Майда-чуйда гаплардан бошқа, арзирли баҳона йўқ. “Қизимиздан ўтган бўлса кечи-

ҳайдаб юборишди. Куёв бўлса, ажрашгани кўнмайди, ёки онасини йўлга солломайди. Бизникига келиб яшашга кўнмагач, ижара уйга чиқардик. Ҳозир болалари икки нафар бўлган, бир-биридан ширин. Куёвим касал, оғир ишларга ярамайди. Шунга яраша топар-тутари ҳаминқадар. Ердан бермасак, йўқлаб турмасак, ижарага тўлашсинми, қоринларини тўйгазишинми? Хуллас, кенжа қизимни узатганимдан бери бошимиз ташвишдан чиқмайди. Бизнинг ҳам ҳаловатимиз йўқ. Бахтимизга куёвимиз эсли.

Танишимнинг кенжа қизининг турмуши ҳақидаги хикояси сизнинг қизингизнинг турмушига ўхшаб кетар экан. Лекин бир ерда хотин қуда ёшларга, ҳатто ўз ўғлига жабр қилса-да (куёвининг оғир дардга чалиниши ҳам сиқилишдан, икки ўт орасида ёниб-қуйганидан бўлса керак), ҳар қалай куёв бола хотиним билан яшайман, болаларимни

**ТАРБИЯДА ГАП КЎП...**

Ушбу мақола ҳақиқатан ҳам инсонни мулоҳаза этишга, мушоҳада юриштишга, мунозара қилишга ундайди. Мақола муаллифи қаламга олган иллатлар, воқеалар бугунги ҳаётимизда яққол кўзга ташланади. Тарбиянинг ўчоғи қайда, деган оғриқли савол бутун жамоатчиликни ўйлантирмоқда. Хўш, тарбиянинг ўчоғи қайда ўзи? Оиладами, маҳалладами ёхуд кўчада?... Яқинда хизмат юзасидан Навоий шаҳрида бўлдим. Ишларимни битириб, тушликдан сўнг шаҳар айланиб юриб қоқ марказдаги Халқлар дўстлиги кўчасидан кетаётсам, рўпарамдан икки нафар ўзбек қизлари чиқиб қолди. Шундай ёнидан ўтаётсам бири сўз қотди: “Ҳой, ака, бир дам олмаймизни, жой бор”. Шу пайт вужудим қалтираб, нима дейишимни билмай, йўлимда давом этарканман, ўша нусхалардан бирининг “ҳақиқий мусулмон шекилли”, - деган кинояли сўзлари қулоғимга чалинди. Бу манзарани кўриб, эшитиб “ё, алҳазар” дейман. Дунё чархпалаги тескари айлантирми? Илгари баъзи йигитлар қизларга шундай мурожаат қилишса, бугун бунинг тескариси... Таажубдан ёқа ушлайсан киши. Кайфиятим тушиб, 200 метрлар наридаги



деди дабдурустдан. Тушган кайфиятим баттар тушиб ғазабланиб “тур йўқол, ифлос, тошингни тер, мени ким деб ўйлаясан”, - дедим ўрнимдан туриб кетдим. “Эй, одамларга яхшилик ҳам ёқмайди”, - дея аёл йўлида давом этди. Ҳайрон қолдим. Нахотки ўша кўшмачи бу ишини яхшилик деб билса... Бир куни жонажон собиқ курсдош дўстимни учратиб қолиб Самарқанддаги ошхоналардан бирига бошладим. Ўқиш давридаги унутилмас воқеаларни эслашиб, хузур қилиб гурунглашиб ўтирибмиз. Ошхонага 2 нафар 20 ёшлардаги ўзбек қизлари кириб рўпарамиздаги стулга ўтиришди. Кийинишлари ҳам ажабтовор. Бу ердаги эркакларнинг уларга суқла-

либ: “Амаки, носингиз борми?” - деб сўради. «Йўқ, мен нос чекмайман», - дегандим, ёнидан сигарета олиб тутатди. Пайтдан фойдаланиб, қишлоқдан келганлиги сезилиб турган болани гапга тутдим. «Қаердансан? Ҳўйсанми?»

- Қўшрабодданман. Шаҳарга қизлар билан дам олгани келдим. Кеча 1 халта майиз сотгандим, - дейди тап тортмай...

Замон ҳар қанча ривожланди ҳам биз асл ўзбеккона қадриятларимиз, ахлоқ одобимиз, ҳаёмизни йўқотмайлик. Ахир бизнинг болаларимиз, момоларимиз инсофли, йиғмонли, мусулмон кишилари бўлишган-ку!

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**  
**Самарқанд вилояти,**  
**Нуробод тумани.**

**БЎЛМАГАНГА БЎЛИШМА**

**“Қизимга уй олиб берайми?” - 39-сон**

**ЭСЛАТМА:** Қизим уч хонали уйда яшайдиган хонадонга келин бўлганли. Яқинда қайнонаси қизимга: “Онангизга айтинг, уй олиб берсан. Сизлар яшайдиган хонага келин туширарман!” дебди. Бу қанақаси? Қизимни берсам, яна уй ҳам олиб беришим керакми?

Муаллиф: Гулбашакар

ринглар, ўртада икки ёш бахтсиз бўлиб, бир норасида тирик етим бўлиб қолмасин”, - деб шунча худонинг зорини қилдим. Бўлмади. Бу оилада эркак қуданинг ўрни йўқ экан, озгини очиб, бир оғиз бирон нарса деёлмади. Хотин қуда эса тамоман тўнини тескари кийиб олган, “яшатмайман” дейди, Бировга қулоқ солай демайди. Куёв бола эса хотинимни яхши кўраман, боламни етим қилмайман, деб бир онасига мўлтирайди, бир менга ялинади. Қани энди хотин қуданинг тош юраги эриса. Эркак қудадан эса умид йўқ. “Қуда, сиз ҳам бирон нарса денг”, десам, “Хотиним биллади”, дейишдан нари ўтолмайди.

Хуллас, қизимга ҳовлимиз этагиди икки хонали уйни ажратиб бердим. Боласи билан бизникида яшай бошлади. Куёвим бечора гоҳида пакет кўтариб, гоҳида “қуруқ” кириб келади. Боламни соғиндим дейди. Уйдагиларга ҳам тайинлаб қўйганман, келса яхши гапириб кутволамиз. Куёвим бечорада нима айб, онасининг аҳволи бу бўлса... Бир-икки йил шундай яшаб юришди. Ҳовлимиз кенг, уй олгунингларча шу икки хонали уй сизларники, келиб беамалол бирга яшайверинг десам, куёвим бечора тортинадди. Бир куни хотиним билан боламни олиб кетаман, деган гап топиб келди. Уйдагилар-чи, десак, улар рози, набираларимизни кўргимиз келаяпти, хотинингизни келиб бирга яшайверинглар дейишяпти, деб айтди. Қизимга қарасак, унинг ҳам кетгиси келаяпти. Ажратиб олиб нима ҳам қилардик, рози бўлдик. Ушанда биз яхши яшаб кетишса, деб умид қилгандик. Қаёқда дейсиз. Кичик ўғлини ўйлантиришмоқчи экан. Янги бўлажак қудаларининг олдида, эл кўзига келинини олиб келишга руҳсат берган экан. Қолаверса, тўйда идиш-товоқларни ювишга хизматкор ҳам керак-ку. Тўй ўтгач, қизимизни яна

тирик етим қилмайман, деб турибди. Қумри опанинг куёви эса оиласини ўйламас экан. Мен куёв ота-онасидан кечиб юборсин, демайман. Яхшим-ёмонми, ота-онани биз танламаймиз. Ота-она барибир ота-она. Лекин оилавий шароити шу даражада оғир экан, куёвтура ҳам озгина ҳаракат қилиши керак-да. Тор уйда томоша бўлгунча, ота-онасига тушунтириб, оиласини олиб ижарага чиқиб кетса бўлади-ку. Бу ёқда Қумри опа қараб турмай, ёрдан берган бўлардим, деб айтиб турганда: “Қумри опа, қудаларингизнинг қизига уй олиб берса, ўғлимиз келин билан яшайди”, дейишгани гирт бемаънилик. Қайси виждони бор эркак қайнонаси олиб берган уйда яшайди. Нахотки, йигитларда орият қолмаган бўлса? Уй олиб берганингиз билан бошқа нағмалари чиқмайди, деб ким қафолат бера олади. Эскилар “бўлмаганга бўлишма” деб бежиз айтишмаган.

Мен бу борада муаллифнинг фикрига қўшиламан. Қизингизни эри билан зўрлаб яраштирмаганингиз маъқул. Акс ҳолда бундай масъулиятсиз эр билан яшаб, қизингиз бир умр қийналиб, рўшнолик кўрмай ўтади. Бундайлар ажрашганларида ҳам ўз зурриётларига қонуний алимент тўлашдан қочиб юришади.

**Равашан ИСОҚОВ,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Бектемир тумани.**

**БУ ИШИНГИЗ НОТЎҒРИ!**

Ушбу мақолани ўқиб, ҳаётда кўрган-эшитганларимни Назар отага билдирмоқчи бўлдим. Назар ота, сиз менимча, ўғлингиздан беҳудага хафа бўлгансиз. Ҳаётда келини билан, ҳатто, ўз қизи билан алоқа қилган оталар ҳам бор. Сиз ўқитувчи бўлган экансиз, ахир Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида: “Отабекнинг онаси Офтоб оим Отабекнинг отасига: “Қани, бек отаси кўрмани бериңчи!” - деди. Кумуш уялиб зўрга салом берди. Юсуфбек хоҳининг яқинига келиб бўйин эгади. Хожи қўли билан Кумушнинг едкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди!”

**“Келиним эмас, қизим дегандим” - 42-сон**

**ЭСЛАТМА:** Келиним салом берганда пешонасидан ўпиб қўярдим. Кейинчалик ўғлимнинг бундан раҳм қилаётганини сезиб қолдим. Ваҳоланки, келинимни ўз қизимдек яхши кўриб қолгандим. Шу сабаб ўғлимдан хафа бўлдим. Нима, мен нотўғри иш қилибманми?  
Муаллиф: Гулбашакар

тибда бўларкан?! Аслини олганда, 14 ёшдан ўтган қизларни ўпиш бу мутлақо мумкин эмас! Сиз келинингизни ҳар куни кўриб туриб, яна уни ҳар куни пешонасидан ўпишингизни қандоқ тушунса бўлади? Ана шу одатингизни ўғлингиз ёқтирмаган. Тўғри, сиз ўз

қизингиздек чин дилдан муомала қиламан, дегансиз-у, аммо: “Ўпиб туриш шартми?” - деган савол тугилади. Сиз ҳар қанча виждонли соф тақводор инсон бўлманг, барибир бу одат ҳеч ярашмайди. Ўз қизингизни ҳам ҳар куни пешонасидан ўпиб туриш керак эмас! Агар фарзандларингизни жуда севсангиз унда юқоридаги мисолдек бажаринг. Яна дуо қилиб туриш ҳам яхши одатдир.

Назар ота, сиз юрагингиздаги музани эритиб, фарзандларингиздан хафа бўлмай, улар билан яхши муомалада бўлинг. “Келинимни пешонасидан ўпишни ўғлимга ёқмаган экан”, деб хафа бўлиб, болаларни ўзингиздан озқлаштирманг.  
**Раззоқ ҲАКИМИЙ,**  
**Навоий вилояти,**  
**Қизилтепа шаҳри.**

ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Хурматли Абдувосит МУРТАЗАКОВ!**  
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз.  
Оила аъзоларингиз.

**Меҳрибон ОНАЖОНИМИЗ!**  
Таваллу кунингиз муборак бўлсин. Бахтимизга соғ-омон бўлинг. Сизга узоқ умр, суҳат-саломатлик тилаймиз.  
Оила аъзоларингиз номидан қизингиз Замира



**Отажоним Тошмурод БОБОЕВ!**  
Табаррук 67 ёшингиз билан табриклайман. Биз - фарзандлар бахтига азиз бошингиз ҳамиша омон бўлсин.  
Гушода Бобоева, Қамашчи тумани, Қорасув маҳалласи.

**Волидаи муҳтарамамиз ГУЛБАҲОР!**  
Янги йил байрами билан чин қалбдан табриклаймиз. Бахтимизга соғ бўлиб, узоқ умр қўриб юринг.  
Фарзандларингиз Орифжон, Одажон ва Юдуз.



**Қизимиз ДИЛФУЗАХОН!**  
31 декабр-таваллу тошган кунинг билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ-саломат бўлиб юр.  
Ойинг Шарифа, адаан Собиржон. Хоразм вилояти.

**Дадажоним Абдуқодир ФАЙЗУЛЛАЕВ!**  
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, суҳат-саломатлик тилаймиз.  
Онажоним билан қўша қариб юринг.  
Ўғлингиз Бақодир. Тошкент вилояти



**Газетамизнинг жонқури, қадрдон Абдуқодир ЕГАМҚУЛОВ!**  
Таваллу айёмингиз қутлуғ бўлсин. Соғ-саломат бўлинг. Умрингиз узоқ бўлсин.  
«Оила ва жамият» газетаси жамоаси.

**Дадажонимиз Раҳматилло БЕГАЛИЕВ!**  
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, суҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.  
Фарзандларингиз ва невараларингиз.

**Севгилим ГУЛҲАЁ!**  
Азизам! Таваллу айёмингиз ва янги йил байрамингиз қутлуғ бўлсин. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг.  
Одажон, Сурхондарё вилояти.

**МАНЗУРАХОН аяжонимиз!**  
Таваллу айёмингиз ва янги йил байрамингиз билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ ва мазмунли бўлсин.  
Ўғилларингиз Санжар, Сардор. Қашқадарё вилояти, Қарши тумани.

**Онажонимиз Жамила МАМАЖОНОВА!**  
65 ёшингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ бўлинг. Узоқ умр қўриб.  
Қизингиз Қунаузон, Наманган вилояти.

**АБДУРАХМОН** хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингиз отиллар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги «тиқилиш ҳисси», сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32-ўй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: «Чилонзор» метроси бекатидан «Соби Раҳимов» метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

хоннинг таниши Нодира Тошпўлатова Тошкент Автомобил институтига киролмаган укасининг талаба бўлиши учун 1900 АҚШ доллари, шифокорнинг овсини Фароғат Шерматованинг Тошкент Тиббиёт олийгоҳига ўқишга киришга балл етмаган ўғлига ёрдам бериш учун 800 АҚШ доллари олиб келиб беришди.

Н.Ҳақимовнинг нафси ҳақалак отаверди, олганини ўпқонига тикаверди... Аммо ҳамма нарсанинг чегараси бор. Бу «уйин» 2006 йилнинг июнида бошланиб, декабрда давом этди...

Ҳеч жойда ишламайдиган ўрта маълумотли, тошкентлик, бир неча марта жиноят қилиб қамалиб чиққан, 27 ёшли бўйдоқ йигит - Н. Ҳақимовга ишониб, орзулари саробга айланган «мижоз»лар ахйри милицияга мурожаат қилишди... Иш судга оширилди. Айбдор жазосини олди - у тўрт йилу икки ой озодликдан маҳрум этилиб, қаттиқ тартибли калонияга жўнатилди.

Аммо... савол тугилади: «Ҳўш, бу ишда айбдор фақат Н.Ҳақимовми? Ноқонуний йўл билан ўғил, қизларини талаба бўлиши учун «жон куйдирган» пора берувчилар-чи! Уларни қандай ном билан аташ мумкин?! Одамнинг ҳаммадан яширгани Тангрига аён-ку! Наҳотки уларга бу ҳикмат нотаниш бўлса?!"

**ТАЁҚНИНГ**

киши бўлди Нодир.

- Эй, кўрмайсизми, синглимнинг кўнгли ўксимасин, деб онам бечора жонлари ҳалак...  
- Ўқишга кирмоқчи шекилли, узр, тешик қулоқ... эшитиб қолдим, - тавозе билан сўзлади йигит.  
- Ҳа, энди...  
- Кўпан эзиллаверманг, мен «юқорида» ишлайман. Тест маркази билан ҳам олақамиз бор, танишлар кўп, ёрдам берамиз, - деди шифокорни ишонтириб у. - Бугун чет элдан келадиган меҳмонларни кутиб олишим керак. Эртага гаплашамиз.

Омад ҳам, қулфат ҳам оёқ остида, дейишади. Бу учрашув кимгадир қувонч, кимгадир ташвиш олиб келишини улар қаердан билишибди, дейсиз. Уша пайтда икки томон ҳам ўз орзулари ушалишини ўйлаб, бахтиёр эдилар...

...Нодир ёлгончиликда устаси фаранглардан эди. Насибохондан синглисини Тошкент Давлат Иқтисодий университетига ўқишга киришиб қўйишини айтиб, 1200 АҚШ долларини қуртдай санаб олди. Ҳатто уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун университет проректори хонасида йўқлигидан фойдаланиб, «унинг қабулига кириб чиққанини» Насибохонга намоийш ҳам қилди. «Проректор бугун йўқ экан, у билан гаплашиб, ўзим сизларга кўнгирак қиламан», - дея уларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Бахтини қарангки, бу «муолажалар»и иш бериб, шифокорнинг «синглисини ўқишга киритаётган авлиё»нинг ўз-ўзидан мижозлари кўпая бошлади. Насибачоғи доимо чархланган бўлса, унинг рижки ҳам баланд бўлади», деди қариялар.

Маҳаллада бирон етим, сағир бола яшаса, иложи борича уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинг, эҳсонингизни аяманг. Улар вояга етиб, ақли кирганда, қилган яхшилигингиз беиз кетмайди.

**С. ФАЙЗИЕВ**

Суд бу масалага одил кўз билан қаради - «пора берувчилар»нинг пуллари «пора олувчи»дан ундирилиб давлат ҳисобига ўтказиладиган бўлди! Ҳа, ҳукм қилиб, шикоятга ўрин йўқ!

Бу ҳол шундай ишга қўл урмоқчи бўлган айрим фуқароларимизга ва ёшларимизга сабоқ бўлар, деб ўйлаймиз.

**Абдиайим ТОЙИРОВ,**  
Тошкент шаҳри,  
Юнусобод тумани прокурори  
ўринбосари,  
адлия кичик маслаҳатчиси.

**ҲАЁТИЙ КУЗАТМАЛАР**

Ақлли инсонларни кўрсак, улар билан суҳбатлашсак, чарчоғинг ёзилиб, жонинг «садака» қилиб юборгинг келади.

Ҳаётда шундай инсонлар учрайдики, ўтмас пиқоққа ўшайди. У на қирқади ва на йиртади. Утмас пиқоқ билан молни ҳам ҳалоллаб бўлмас экан. «Йигитнинг ош пиқоғи доимо чархланган бўлса, унинг рижки ҳам баланд бўлади», деди қариялар.

Маҳаллада бирон етим, сағир бола яшаса, иложи борича уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинг, эҳсонингизни аяманг. Улар вояга етиб, ақли кирганда, қилган яхшилигингиз беиз кетмайди.

**С. ФАЙЗИЕВ**

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги 2-умумий ўрта мактабдан **КўЧОРОВ БЕКМУРОД БАҲОДИРОВИЧ**га берилган **2494592**-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Торт, пиширик, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман.  
Тел: 170-18-86

**КҮЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафтанинг биринчи ярмида жуда кўп ишларингизга тўғри келади. Оила аъзоларингиз даврасида мароқли дам олишни ҳам унутманг.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Яқинларингиз билан орангизда муаммолар чиқиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса севгилингиз билан саёхатга чиқасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Кўнгилочар уйинларга беришингиз сизни кўпчиликдан қарздор қилиб қўйиши мумкин.

**КИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Яқинларингизга меҳр кўрсатишга ҳаракат қилинг. Шунингдек, улар билан ҳамиша илиқ муносабатда бўлишга интилинг.

**МУНАЖЖИМЛАР**

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Пулга боғлиқ ишларда омадингиз келади. Маблағингизга-маблағ қўшилиб боришидан кўнглингиз қувончга тўлади.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Билим олиб, хорижий тилларни ўрганиш учун вақт ажратинг. Умуман олганда анча қузғин ва серташвиш ҳафтани бошдан кечирасиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ишларингизнинг яхши натижа бериши кайфиятингизга боғлиқ бўлади. Юлдузлар сизга ўз устингизда кўпроқ ишлашни тавсия этади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Дўстларингиз билан тортишиб қоласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми эса анча тинч ва осойишта ўтиши кутилмоқда.

**БАШОРАТИ**

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Бу бурж соҳиблари кўпроқ саломатликлари ҳақида қайғуришлари лозим. Ишдаги ютуқлар уларга яхши кайфият бағишлайди.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Оилангизга тегишли бўлган масалаларни ҳал қилишингиз керак. Шунингдек, уларингизни тозалаш билан ҳам шуғулланг.

**КОВФА (21.01 — 18.02).** - Душанбада янги танишлар орттирасиз. Кўп пул сарфлашингизга тўғри келса-да, ҳафта кўнгили ўтади.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Янги қўшилларингиз билан танишиб, дўстлашиб оласиз. Уларда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг.

# ДАСТУРХОНГА МАРҲАМАТ!

“Эски йил”ни кузатиб “Янги йил”ни кутиб олиш онлари ҳам яқинлашиб келмоқда. Аксарият пазанда бекаларимиз бор маҳоратларини ишга солиб, байрам дастурхонини турлитуман таомлар билан безатиш таралдуғига тушиб кетган бўлсалар, яна баъзилари қандай таом тайёрлаш ҳақида бир тўхтамагач келишмаган бўлсалар керак, ҳойнаҳой. Биз ана шундай бекаларимизга ҳаммабоб ва ҳамёнбоб, энг муҳими байрамона миллий таомларни тайёрлаб ўз оила аъзоларини хушнуд қилишни маслаҳат берган бўлардик. Қуйида масаллиғи ўз хонадонингиздан, нари борса ёнгинангиздаги бозорчадан топиладиган масалликлардан тайёрланган миллий таомларимизни тавсия қиламиз.

Норози бўлди, дили ранжиди. Келин ичкаридан чиқиб ойисига кўриниш берди. Ойисининг авд-ки еявериб кетган одамнинг одатда ёш-дир, каттадир дийдаси қотиб кетган бўлади. Гап унга таъсир қилмайдиган бўлиб қолди. Шу сабаб ҳам катта иш буюрганда ориятдан мулоҳазага бориб ўтирмайди. Муҳаббат ҳам шу тоғда шулар тоифасига кириб бўлган мақомда эди. Ойисига жавобан у:  
- Ўғлингиз, "уни қилиб бер, бунни қилиб бер, деб мени бўшатмадилар", деган баҳона ҳам, ёлгон-яшиқ ҳам топилма қолди. Аммо, Муҳаббатнинг бу баҳонаси хозир жуда ўринсиз чиқди. Бунни Олимжон ҳам тушинди. Онаси ҳам тушунди. Ҳалима опоқи ранги ўчганча, яна нима дейишни билмай, келинига тикилиб турди-да, бошқа гап ортиқчалик қилишни билиб, ўзи ҳовлиларини супириш-сидиришга тушди. Олимжон ташқарига чиқди, дам хотинига, дам онажонисига қаради. Кимга


**ХўП ДЕЙДИ-Ю, ҚИЛМАЙДИ**

юртида бунақа гўзаллар йўқ эканми? А, лекин Олимжон учун кўнглидагиси йўқ эди.  
Шу боис у ушбу поликлиникада бу кизни кўриб қалби истаганини топгандай бўлди. Унга бутун вужудини, юрагини, ҳис-туйғуларини баҳшида этгудай ҳолатга тушди. Йигит кизни кўрган сайин юрак ўиноғи кучайгандан-кучайиб, зўрайгандан-зўрайиб бораверди. Энди, мен сизга айтсам, йигит кизни севиб қолади-ю, қиз бунни сезмайди дейсизми? Муҳаббат ҳам бунни сезди. Фақат сездигина эмас, у ҳам Олимжонга нисбатан қалбида ишқ ўти алангаланиб бораётганини пайқайди. Лекин ёш-да, нима қилсин?! Орият, андиша, қизлик ифати ишқ ўтини босиб ўтиб севиғиси томон кучоқ очиб боришга тўсик бўлиб турган бўлса...!  
Бир куни поликлиниканинг бошқа бир ходимаси турмушга узатилиши муносабати билан қадимги қиз оши мисолида ишхонадаги ҳамкасбларини уйига ўтиришга таклиф қилди. Олимжон шу меҳмондорчиликда поликлиниканинг бош врач-Жўра ака билан ёнма-ён ўтириб қолди. Утириш, ўйин-қулгу қизигандан-қизиб борарди. Бир пайт келдики, Олимжон нариги столда рўпарасида ўтирган Муҳаббатга тез-тез кўз ташлай бошлади. Муҳаббат ҳам унга қараб-қараб қўяверди. Ниҳоят, қарашлар бекорга кетмади. Икки ёш илк бора ўзларининг оташ нигоҳлари ила бир-бирларига ишқий туйғулар изҳор қила бошлашди. Кўзлар учрашуви дам-бадам такрорланиб турди. Бош врач сезгир одам эканми, бунни пайқаб қолди:  
-Ҳа, Олимжон! У қизимиз сизга ёқиб қолдики, дейман? Унинг кўзи сизда, сизники унда... Тинчликми? Ё, эндиги тўй навабти сизларники бўладими? - деди, қулди, ҳазиллашган бўлди. Олимжон ёш эмасми, орланиб мулзам бўлиб қолди. Жўра ака бўлса, гапида давом этди, -Муҳаббатхон, ростини айтсам, чиройли, кўримли киз-у, аммо... -дея тўхтаб қолди. Олимжон: -Аммо...?  
-Аммоси шуки, одам одамни ё бирга яшаганида ёки бирга ишлаганида билала. Дастлаб, менинг ҳам унга хавасим келди. Жиянимга келин қилсаммикан, деб ҳам ўйладим. Лекин ўринбосарим Мирали Умаровичнинг: "Ёшларга иш буюриб кўринг-да, сўнг шу ишга қараб хулоса чиқаринг", - деган гапига кириб унга бир-икки марта шахсан ўзим иш топширдим. Очиғини айтсам, у киз буюрган ишларимни кўнглидагидек бажармади. Шу участка врачам Тамира Пўлатовадан секин сўрасам, у йиманибгина, "ўзингизга бўлса, бўйи-ди", деб қолди. Нечун бундай деясиз? Очиқроқ гапиринг, десам, у: "Иш буюрсангиз, хўп дейди-ю, қилмайди", деди. Шовша, ўзим синаб кўрай-чи, дедим-да "Янги арик" кўчасида истиқомат қилувчи бир онахонга кириб пенициллиндан укол қилиб чиқинг, деб иш бурдим. У "хўп" деди. Назаримда, у

деди-ю, даврани яна ҳам қизитишга уриниб кетди. Олимжон бўлса, бу гапларни дам эшитди, дам эшитмади. Умуман, у бош врач гапларига унча аҳамият бермади. Муҳаббатнинг ўгли нигоҳлари унинг ҳамма айбонмаларини ювиб кетаверди. Битта бош врачнинг айтганини қилмаган бўлса, бу демак ҳамманинг айтганини қилмайди, деган сўз эмас-ку, деб ўйлади, ўзини-ўзи опкуди. Эндигина топган маҳбубасининг гуноҳини бош врач кечирмаган бўлса, у кечирди. Қалбини забт этган ишқ хамиша ёшларнинг кўзини кўр, қулоғини қар, ақл-хушини қарахт қилиб қўйиши рост... Тамара Пўлатованинг сўзини эса сўз демади... Жўрақанинг ҳазил гапи чинга айланиб, орадан ярим йил ўтгач, уларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Муҳаббатхон келинимсан келин бўлиб, ойимсан ой бўлиб, Одил амакининг хонадонига зийнат бўлиб тушди. Аёлларнинг оғзидан: "Чиройли экан", "кўримли келин экан", "Ҳалима опанинг уй-жойларига ярашиб турибди", деган мақтовлар ёғилиб кетди...  
Асал ойи ўтди. Чилла ойи ҳам ўтди. Борингки, кўниқиш ойлари ҳам ўтди. Ҳасадчиларнинг қулоғи динг: "Қани, буюғи нима бўлар экан?!..."  
Олимжоннинг онаси ҳам, отаси ҳам бўш-баёв кишилар эди. Улар умр бўйи қилиб келган орзуларига етишган эди. Буюғи ҳаммаси яхши бўлади, деб ўйлашар эди. Шодон кўнглилар доимо оғоҳ бўлишни, сергак туришни унутиб қўяди. Қайнона ҳам, қайнота ҳам ўз хурсандчиликлари билан бўлиб иш ўргатиш, турмушдан сабоқ бериб бориш, зарурият туғилганда тергаб туриш каби бурчларини унутиб қўйдилар. Барно келининг хусну малохати уларни ҳам, ёлғиз ўғилни ҳам ўз оғушига тортиб сеҳрлаб қўйди. Келинимиз келинлик нашидасини суриб қолсин, дейишди. Юмуш бўлса, супириш-сидириш бўлса, ош-овқат бўлса, бир гап бўлар, дейишди. Улар шундай хайрли хаёлда бўлишди-ю, кўп ҳам ўтмай ювқуқсиз идиш-товоқлар, ивирсиқ хўрли-жойлар борган сари тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Шундай ҳолат юзага келдики, бу юмушларни ким қилиши кераклигини хонадон аҳли эсидан чиқариб қўйди. Баъзи оилаларда ака турганда ака, сингли турганда опа, кенояи бўлганда қайсингил гижиниб, ориниб иш қиладиган муҳит пайдо бўлади. Келин тушунига қадар барча юмушларни ҳеч бир оғринмай, эринмай ўзи бажариб келган қайнона: "Энди, келимин қилсин", - дейдиган хаёлга борадиган бўлиб қолди. Келин эса, "ҳадеб мен қилавераманми, қайнонам ёш бўлсалар, ёнбошлаб

келининг нуқсонини билан менинг ишим бўлиши керак? Ахир бу келин маҳалламизга келиб тушмаганида мен учун у, унинг учун мен йўлак эдим-ку", - деган ҳақиқатни ҳеч ким ўйлаб кўрмайди... Нечун шундай экан-а?!... Шу йўсинда кўчанинг муолишидаги янги келин эски қўшнилари озгига тушди. Илгариги мақтов-олкишларидан тез орада асар ҳам қолмади. Келин ишга, деб кўчага чиққанда кўзи тушганлар олдинлари ҳавас билан орқасидан қараб қолишган бўлса, энди истеҳзо билан қараб қолишадиган бўлишди. Хайрихошлар ачинишди, ҳасадчилар хузур қилишди (Биргина ялқовлик, иш ёқмаслик, номус қилмасликнинг қудратини қаранг!)...  
Шу тарзда кун-ойлар ўтиб бораётган эди, бир куни яқшанбада Ҳалима опоқи: "Келинимга ўзим иш буюриб қилдирмасам ҳаммаси ўзимга қолиб кетадиганга ўхшайди", деб ўйлади ва келинига:  
-Муҳаббатхон! Мен бозорга кетаяпман. Келгунимча ҳаммаёқни чинни-чироқдай қилиб ўтиринг", - деди-ю, келинининг "хўп, ойижон", деган сўзини эшитиб хотиржам дарвозани ёпиб чиқиб кетди. Орадан 3-4 соат ўтган эди. Қайнона бозордан тўрва-халта кўтариб қайтиб келди. Қараса, келини ҳеч нарсага тегмабди. Ҳаммаёқ ивирсиганча ётибди. Қайнонанинг фиғони чиқди:  
-Ҳой, Муҳаббатхон! Хали ҳам уйдан чиқмадингизми? Мен сизга нима деб кетган эдим? Ҳеч нарса қилмасиз-ку! - деди.

нима дейишни, қандай йўл тутиш лозимлигини билмай боши қотди. Умуман, анчадан бери унинг боши қотиб келар эди. Эндигиси эса ҳаммасидан ўтиб тушганди. "Хов ўша тўй" даги бош врач-Жўра аканинг гапи эсига тушди. Онажонисига ачиниш, хотинига сўзини ўткази олмади. Ким ўз "қалби"га ҳукмини ўткази олади дейсиз! Муҳаббат унинг қалбига айланиб бўлган эди-ку! Аросатда қолган кувё ич-этини еб, гағмин ҳолатда хонасига кирди-да, диванга ёнбошлаб тубсиз, самарасиз пинакка кетди. Бир пайтлар бир дўстининг шундай ҳолатларда қаяққа боришини билмай жинни-санги бўлиб юрган кунларини эслади ва: "Менинг бошимга ҳам ўшанинг куни тушди-ёв", деб ўйлади, бир томондан, ёстиққошнинг латофати унинг тилини ипсиз боғлаб қўйган бўлса, иккинчи томондан, онажонисига бўлган меҳри, ўзининг ўғиллик бурчи юрагига фавво солиб турибди. Унинг ҳам бошига оилавий можаролар тушиб келётганини у ҳам ақлан, ҳам рухан англади... Кимга қандай қайишиш лозим, кимнинг кўнглини қандай кўтариш керак?! Бирларига ён босганда иккинчиларига ботмаслигининг иложи борми?!...  
Орадан роппа-роса тўққиз ой ўтди, деганда Муҳаббатнинг боши қоронғу бўлди. У ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Ҳомилдорликнинг биринчи ярмида бўладиган токсикоз уни ҳолдан тойдириб қўйди. У беҳол, бемажол бўлиб қолди. Қайнонанинг ҳам, қайнонанинг ҳам келинга раҳми келди, ачинди, меҳрлари қайта товланди. "Биз набиралик бўламиз", деган ўйдан боши осмонга етди. Юраклари юмшади. Гина-қудуратлар бегона бўлди. Уй юмушларини хали бардам-бакуват ота-она битта келинга ташлаб қўйишни ўзларига эл билмай қолишди. Бунни пайқаб қолган ўғил анча енгил тортди. Қаддини яна кўтариб олди. Мияси равшанлашди. Юрак санчиклари йўқолди. Ишда, юрган йўлида уни эзиб юрган гам-андухлар чекингандай бўлди. Совиш томон одимлаб қолган Олимжон кўнгли завжасига яна илий бошлади. Улар апок-чопоқ бўлиб қолишди. Айвондаги радиоан хонандаларнинг куй-қўшиқлари яна янграй бошлади...  
(Давоми 16-бетда)



**Э**ҳсон уйда ёлғиз қолди, Шарифа эса дўстлар даврасига бир ўзи кетди.

Эҳсон гирт етим ўсди, ота дийдорини кўрмади, она кўкрагига бош қўймади. У тузилганда отаси фронтда эди. Онаси ёшлик қилибми, уруш йилларининг машаққатларидан чўчибми, ёки ёш умрини бахтимга зомин бўлмасин, деб ўйлабми... ишқилиб, Эҳсонни етим болалар яслисига ташлаб кетди.

Эҳсон мактаб ёшига етгач, болалар уйига ўтказилди. Шу ерда уст-боши бут, қорни тўқ яшаб, ўқий бошлади. Мурабийлар, ўқитувчилар барча болалар қатори унга ҳам ҳар қанча меҳрибонлик қилмасинлар, бари бир у ниманидир кўрсарди. Лекин мурғак қалб буни ҳали тўлиқ англаб етмасди. Бир куни...

Эҳсон тўрт-беш ёшларда эди. Бурнини тез-тез торта-торта совуқ кунларнинг бирини эрталаб ўртоқлари билан ошхонага киришса, катта даррахт "ўсиб" қолибди. Кечкурун йўқ эди. Болалардан эслароғи:

— Арча, арча! — деб чапак чалиб юборди.

Ўртоқлари севингани учун Эҳсон ҳам севинди. Лекин арча нима учун келтирилгани гўдакнинг хаёлига қаёқдан келсин. Кейин мурабийлар арчага тақинчоқлар, чироқчалар, ўйинчоқлар осиди — арча безанди. Ундан кейин Қорбобо келди. Кўшиқ айтиб, арча атрофидан айландилар. Қорбобо совға улашаётганда хонага бир бегона хотин кириб келди. Совға олиш навбати Ёдгор деган болага келган эди.

— Ёдгоржон! — деди халиги хотин. — Ўғлим!

Ёдгор бу овозни эшитди-ю, совға олишни ҳам унутиб онаси томон отилди. Хамма уларга қараб, жим қолди. Она-бола узоқ ачомлашиб турдилар. Ёдгор хурсанд, онаси эса энтикиб-энтикиб кўяр эди. Болалардаги қувонч йўқолди. Қорбободан олган совғалар ҳам эсдан чиқди. Гўё бутун шодлик шу она-болага ўтиб кетган эди. Иккови дунёда энг бахтиёр эдилар.

— Янги йилни мен билан кута қолсин, — дея ёлборибди мурабийларга Ёдгорнинг онаси. — Байрам ўтгач, олиб келиб кўярман. Иложим қанча...

Уша аснода Ёдгорни онасидан ажратиб олиб қоладиган куч дунёда йўқ эди. Мурабийлар рози бўлишди. Онаси Ёдгорни олиб кетди, Ёдгор ҳам онасининг буйинидан қаттиқ ачомлаб турар эди. Улар кетишди-ю, Эҳсон ҳамгин бўлиб қолди. Ана ўшанда унинг мурғак қалбидан илк бор: "Нега менинг онам йўқ? Бўлса, Ёдгорнинг онасига ўхшаб бугун келарди, мени олиб кетарди, Янги йилни бирга кутардик", деган хаёллар ўтди. Яна бир кун...

Эҳсон ҳунар-билим юртида ўқирди, бошланғич маълумотли бўлгач, уни шу ёққа юборишган эди. Кўпчилик ётоқхонада яшар, озчилик уйдан қатнаб ҳунар ўрганар эди. Янги йил ҳам келди. Одатдагидек байрамга тайёргарлик қирилди. Арча ҳам ясалди. То Янги йил қарши олиннадиган кун — ўттиз биринчи декабр гача Эҳсон ҳамма нарсага бепарқ қараб юрди. Лекин байрам оқшоми

келгач, у ўзини қандайдир ғариб, кўнгли ўксик сезди. Чунки уйдан қатнаб ўқиётган болалар ҳар куни уйдаги байрам тадориклари ҳақида гап-топиб келишар, ўртоқларига мақтаниб ҳикоя қилишар эди. Эҳсон нимани гапирарди?! Ўттиз биринчи декабр куни ётоқхонада болалар жуда кам қолди, табиятан ўйчан, зийрак, ҳар нарсага ботинан муносабат билдирадиган Эҳсоннинг хаёли шу кун бутунлай қатнаб ўқиётган ўртоқлари билан банд бўлди, ўзича уларни, уларнинг уйини, ясалтиган арчаларни, ясаптигил столларни, айникса, ота-оналарини тасав-

вой унинг тепасига чўккалаб: — Эҳсон, тур, қолгани ётоқхонада ухларсан, — деди аста. — Бобом яна киради.

Эҳсон мажбуран ётиқдан бошини кўтариб, ўрин устида анчагача хаёл суриб ўтирди. "Ота-онанг, бобонг, уйинг бўлса-ю, сени тушунишмаса, буюм оғир экан..."

Шу-шу, Эҳсон Янги йил кутишдан безиллайдиган ҳам бўлиб қолди. Лекин чор-ночор, қатордан қолмаслик учун Янги йилни ўртоқлари даврасида кутарди.

Эҳсон электор пайвандчи бўлиб етишди. Машинасозлик заводига ишлай бошлади. Шу корхона ётоқхонасига кўчиб ўтди. Уни жамият тарбиялаб

қовли тўйи ҳам қилиб беришди. Энди Эҳсон ўзини тўла бахтли деб ҳисоблай бошлади: ўз уйи — ўлан тўшаги, оиласи, қариндошлари, севимли касби, иноқ коллективи бор! Энди у ҳам смена туғаш биланок уйига шошилади! Тортинмай меҳмонга бора олади, бемалол меҳмон кута олади!

Эҳсон жомакорини ечиб, ювиниб-тараниб ҳамкасблари билан заводдан ташқарига чиққанида қор учкунларди. Дастлаб унинг юраги орқасига тортиб кетди, кўнгли гашланди. Ахир, унинг учун қор Янги йил элчиси эмасми, Янги йил кутишдан эса юраги безиллаб қолган эмасми... Лекин бу ноҳушлик тезда ўтиб кетди. Энди унинг Шарифаси, ўз уйи бор. "Энди Янги йилни уйимда кутаман!" Бу фикр уни қувонтириб юборди. Севинчдан ўзини йўқотаётган Эҳсон ёнида келаётган ўртоқларига баралла:

— Бу йил Янги йилни уйимда кутаман! Меникча марҳамат, дўстлар! — деди.

Ўртоқлари тақлифдан ҳайрон бўлиб, тўхташди. Улардан бири:

— Эҳсон, нима, ёнғоқнинг тагидан ўтганмидин? — деди таажжубланганини яширмай. — Бу қор адашган қор. Ҳали Янги йилга икки ярим ойча бор. Сен бўлсанг...

— Қор адашса ҳам, мен адашмайман! — деди Эҳсон гапни бўлиб, қатъий ишонч билан. — Бу йил мен Янги йилни албатта уйимда кутиб оламан. Сизлар ҳам боринглар. —



вур қилиб кўрди, хўрсиниб-хўрсиниб қўйди. Ана шунда унинг ёш қалбидан: "Нега меланинг уйим йўқ?" деган бир фикр ўтди. Лекин нима учун? Қанча ўйлаб-нетмасин, бари бир бу саволга жавоб тополмас эди.

Шу-шу, Эҳсон биринчи қор ёғса, Янги йилни эслайдиган бўлди. Эрта қор ёғса ҳам, кеч тушса ҳам. Ҳатто Янги йил байрамидан кейин ёғса ҳам. Қор унинг учун доимо Янги йил элчиси бўлиб қолди. Ҳунар билим юртини битириши олдида Жўравой исмли ўртоғи Эҳсонни қўярда-қўймай Янги йилни бирга кутиш учун уйига олиб кетди.

Кутишди. Танча атрофида радио тинглаб, сўхбатлашиб, Москвада ҳам Янги йил кутиб олинганча ўтиришди, сўнг қотиб ухлаб қолишди...

Эрта тонгда Жўравойнинг бобоси болаларни ҳой-ҳойлаб уйғотди:

— Ҳаромлар! Шу пайтгача ҳам ухлайдими? Турларинг-эй!.. — Чол болалар устидан кўрпани улоқтириб ташлади.

Чолнинг гапи Эҳсоннинг суяк-суягидан ўтиб кетди-ю, индамасди. Ахир, чол ўзининг бобоси эмас-да.

Заводда иш бошлаганига беш йилдан ошганида у бахтини топгандек бўлди. Ўзи безиллаб қолган Янги йил ўтиришида Шарифа билан танишди, қиз техникумини битириб, завод лабораториясига яқиндагина ишга келган эди. Танишгач, ваъдалашув бўлди. Ваъда учрашувга етаклади, агар юрак юракка мойиллик билдирса, бир-бирига талпинса. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Юлдузи юлдузига мос келиб, икки ёшнинг осмон никоҳи ерга тушди. Ёзда уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Эҳсон Шарифаларникига яқинда бўлиб борди. Тўй ҳам Шарифаларникида бўлган эди. Катта хонадон, дангиллама участка. Шарифанинг бағри бутун эди. Ота-онаси, акалари, сингаллари, укалари, қўша-қўша келиноиллари, хиянлари шу ҳовлида тотув-иноқина яшардилар. У ёлғизлик нима, билмай, ҳатто хаёлига ҳам келтирмай ўсган эди.

Эрта кузакда икки хонали квартирага кўчиб ўтишди. Қайнота-қайнонаси бошчилигида

Эҳсон самимият билан шу гапни айтгач, хайрлашиб ўз йўлига кетди. Ким билибди дейсиз, бугун қор ёғишини. Эрталаб қуёш чарақлаб турган эди. Ўғил кўришса, Омон деган исм қўйиши дилига тугиб қўйган эди. Қаранг, ота-боланинг ислари қандай бир-бирига мос: Эҳсон, Омон. Эҳсонга Омон ўғил эканлиги отидан ҳам билиниб турсин-да!..

Янги йилга қадар яна бир неча дафъа қор ёғди, баъзан учкунлаб ўтди. Эҳсон дунёга келиб биринчи марта бу Янги йилни орзиқиб кутар, тезроқ келишини истар эди. Энди у Янги йил кутишдан кўрқмайди, довурак! Аввало, ўзимиз, қолаверса, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, дили яйрар, деб катта арча олиб келиб, бино қўйиб безатди. Балконда кабоп пиширса бўлаверарди, деб қўра келтирди.

Илҳақлик билан кутилган кун — ўттиз биринчи декабрь ҳам етиб келди. Иш куни эмас эди. Эрт-хотин уйда. Эҳсон нуношта устида байрам дастурхони тузаш ҳақида гап очди. Дилсёрлик ана шундан бошланди.

— Бе, уйда бало борми, ўзимиз яшаб келаётган мана шу каталакдек уй-да, — дея бобиллаб кетди Шарифа. — Янги йилни уйда кутмаймиз. Ҳақиқа мана дугонамни биласиз-а?.. Тўйимизда ёнимда ўтирган сочи жингалак қиз бор-ку?

— Нима эди? — Техникумини бирга битирган курсдошлар ўшаниқиди

Янги йил кутамиз.

— Бормайман, — деди Эҳсон ўзини қаттиқ гапириб юборишдан тийишга интилиб. — Бормайман.

— Борамиз. Мен иккаламиз учун ўтиришга пул тўлаб қўйганман. Уйланганлар, турмушга чиққанлар жуфт-жуфт бўлиб бориши керак экан. — Шарифа эрини кўндиришга ҳаракат қиларди. — Анави-чи, артистлар ҳам тақлиф этилган. Ҳа, ҳм... шунақа.

Гап жанжалга айланмасин деб Эҳсон ўрнидан туриб ошхонага кириб кетди. Бир оздан кейин катта рўзгор сумка кўтариб қайтиб чиқди:

— Мен бозор-ўчар қилиб келай. — Майли, бугун бўлмаса, эртага керак бўлар, — деди Шарифа дастурхонни йиғиштирар экан. — Анордан кўпроқ олинг...

Янги йил киришига икки соатча вақт қолди. Эҳсон емакхонада телевизор кўриб, хотинининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирар эди. Оҳорли кийимларини кийиб, пардоз-андоз қилиб олган Шарифа ётоқхонадан чиқди ва эрига боядан буён айтаётган гапни яна бир бор такрорлади:

— Хай, бўла қолинг. Тезроқ кийининг. Бўлмаса кечикамиз.

Эҳсон ҳам ҳалиги жавобини такрорлади:

— Ҳеч қаёққа бормаймиз. Уйимизда кутамиз.

— Бўлмаса, мен бу ерда кутмайман. Ўзим бораверман.

— Бу гап Эҳсоннинг юрагига наштардек урилди. Лекин ўзини тутиб қолди.

— Нима учун?

— Мени ҳам тушунинг-да, Эҳсон ака, — дея ёлборди Шарифа. — Ахир, мен даврага, улфатга ўрганганман.

— Мен сизга улфат бўлмайманми?

Шарифа аввалига қандай жавоб қилишни билолмай гарангисини турди-да, кейин:

— Мен бир ҳафтадан бери курсдошларим билан бирга Янги йил кутишни орзиқиб кутаялман, — деди.

Эҳсон: "Мен эсимни таниганимдан буён шу кунни кутар эдим", дейишга оғиз жуфтлади-ю, лекин айтмади. Буни айтса, бошидан кечирган бошқа қийинчиликларни гапириб юбораётгандек эди. "Мен учун шундай бахтли бўлган кунда мени ёлғиз ташлаб кетманг, илтимос", демоқчи бўлди-ю, лекин бир оғиз сўз айта олди, бу сўз юрак-юрагидан, бутун вужудидан қалқиб чиқди:

— Борманг.

— Бораман, — Шарифа уйдан чиқиб кетди. Йўлакка чиқиладиган эшик очқ қолди. Буни Эҳсон уй совий бошлаганидан сезиб, эшикни бориб ёпди.

Шундай қилиб, Янги йил арафасида Эҳсон уйда ёлғиз қолди, Шарифа эса дўстлар даврасига ёлғиз кетди.

Юраклар бир-бирига пайванд бўлмаса қийин.

Соат ўн икки марта бонг урди. Соат бонгига биллур қадахларнинг садоси уляниб кетди. Шарифа қувнок ва ёш давранинг гули бўлиб ўтирарди.

Эҳсон эса ёлғиз янги йилни кутиб оларкан, хаёлан ота-онасининг кўз олдига келтирар, туғилмаган ўғли Омон билан тасаввурда гапларар эди...

**Абдуқоҳор ИБРОХИМОВ**

**С**аранжом-саришта бекалар уйларининг тўзғиб, чанг босиб ётишига, тартибсизликка йўл қўймадилар. Аммо, уй кўтариб, тозалашга ҳатто, энг озода бекалар ҳам тоқат қила олмайдилар. Янги йилни ораста ва ярақлатиб тозаланган уйда кутиб олишни эса ҳамма истайди. Шундай экан, қандай қилиб тез ва унча куч сарфламасдан уйлари тозалаб, саранжом-саришта қилиш мумкин?

**ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА ОЗ ҚОЛДИ...**

**ЧИН КЎНГИЛДАН БАЖАРИНГ...**

Уй тозалаш ишларини зерикмасдан, аксинча мароқ билан бажариш керак экан. Тиббиётчи олимлар дунёдаги тўққизта мамлакатдан иштирок этган икки

боланинг дунё ҳақидаги тасаввурини ошириб, буюмларнинг нима учун зарур бўлишини ўрганишига ёрдам беради. Кейинчалик, улғая бошлагачи рўзгордаги барча ишларга бе- малол киришиб кетади.

Ишдан уйга қайтаётганингизда кимдир сизга қўполлик қилди, ишда ҳамкасбларингиз ёки яқинларингиздан бирортаси кайфиятингизни бузди, дейлик. Уйга келгач қўлингизга дарҳол латта олинг-да, ишга киришинг. 20 дақиқадан сўнг боя асабингизни бузган нохуш фикрлардан фориғ бўласиз. Артиб-тозаланган, нарсалар жой-жойида турган саранжом-саришта

**УЙИНГИЗ ОРАСТА БЎЛСИН!**

Уйлари тезгина йиғиштириб, тартибга солиб олишининг асосий қоидаси бор. Бу қоидаларга вақт жуда текиллич бўлиб қолган пайтда амал қилиш мумкин.

**Биринчи қоида:** стул ёки диван сунячигига ташланган кийимлар, стол устидаги қроғозлар ва полда ёйилиб ётган болалар уйинчоқларини зудлик билан йиғиштириб оласиз.

**Иккинчи қоида:** Йиғиштириб олинган нарсаларни ўз жойларига, шкаф, кути ва антресол ичига жойлаштириб чиқасиз.

**Учинчи қоида:** ҳаржойда сочилиб ётган кийим, китоблар ёки газета-журналлар йиғиштириб олиниб, шкафларга тахлаб қўйилади.

**Тўртинчи қоида:** хонадаги барча буюмларнинг устидаги чанг тўлланиши мумкин жойлар, буюмлар артиб чиқилади.

**Бешинчи қоида:** поллар яхшилаб ювилади ёки чанг юту- гич билан тозаланиб, ҳаммаёқ ораста қилинади.

Уй кўтаришни фақат маълум бир кунга қолдирмасдан

ҳар куни уйингиздаги кўп ивирсийдиган жойларни то- залаб чиқишингиз зарур. Ана шундагина уй кўтариш сизга азоб, чарчоқ эмас, балки кўнгилли машғулота айлана- ди. Сиз қўйидаги қатъий қоидага амал қилсангиз, уй- ингиз ҳаммиса саранжом-са- ришта туради.

**Эрталаб:**

→ Кийиниб, ювиниб, сочла- рингизни таранг ва бўянинг.

→ Уйингиздаги энг кўп тўзғий- диган жойларни 15 дақиқа да- вомида тартибга келтиринг.

→ Кечликка қандай овқат тай- ёрлашни режалаштиринг.

→ Кир ювиш вақти келганми йўқми, эътибор қилинг.

**Кечурун:**

→ Душ қабул қилиб, эртага ишга киядиган кийимларингизни тай- ёрланг.

→ Ошхонадаги раковинани ярақлагунча тозалаб, артинг.

→ Эртанги кун учун зарур бўлган ишлар ҳақида режалар тузиб олинг.

→ Ҳаммиса тўзғиб ётадиган жой- ларни йиғиштириб қўйинг.

→ Ухлагга вақтлироқ ётишга ҳаракат қилинг.

юз минг нафар аёллар билан 6,5 йил давомида тажриба ўтказиш- ди. Оқибатда Буюк Британиялик олимлар мана шундай қарорга келишди, яъни: уйлари мунта- зам йиғиштириб, тозалаш - кўрак ва бошқа саратон хаста- ликларининг олдини олар экан.

Бу борада ҳатто фитнес (спорт турлари билан шуғулланиш) ҳам уй тозалашнинг олдига туша ол- маслиги исботланган. Олим- ларнинг таъкидлашича, аёллар фитнес билан мунтазам равш- да шуғуллана олмайдилар. Уй йиғиштириш эса аёлларнинг деярли кундалик вазифасига айланиб қолган. Ҳатто, бўлажак оналарга ҳам тез-тез уй йиғи- штириб туриш тавсия қилинади.

Соғлом ҳомиладор аёлларнинг энгил эгилиб, ҳаракат қилиши кичик тосдаги қон айланишини яхшилайдди. Шунингдек, ўсаёт- ган ҳомила мушакларининг яхши ривожланишига ҳам ёр- дам беради. Бироқ бўлажак она- ларга ҳаддан ташқари толиқиш мумкин эмас.

Бола туғилиб, сал катта бўл- ганидан кейин эса у билан «уй йи- гиштириш» уйинини ўйнаш жуда фойдали экан. Бундай ўйинлар



Уй тозалаш ва йиғиштириш катталар руҳий соғломлиги учун ҳам фойдали. Руҳшунослар оиласи бузилганларга уйни йиғиштиришни, мебеллар жой- ини алмаштиришни тавсия эта- дилар. Хонадаги чанглар арти- либ, мебелларнинг жойига ўзгартирилиб, тартибга келти- рилгач киши энгил тортади.

уй ҳамма ёмон ва оғир қувват- лардан ҳам фориғ қилади.

Агар яшаб турган жойин- гизни озода тутсангиз, мик- робларни йўқотсангиз тоза- лик билан бирга уйингизга саломатлик ва бахт ҳам ки- риб келади.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**



**ЯНГИ ЙИЛ ҚАБЕРДА ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛИНАДИ?**

**Б**из янги йил байрамини бе- за тиладиган арча, Қорбобо, Қорқиз даврасида совғалар билан нишонлашга одатланиб қолган- миз. Дунёнинг бошқа давлатларида ҳам мазкур байрам яқинлашиши билан ўзига хос тарадуд бошланади...

**Ҳиндистонда** Янги йил кунини ўқ отиш, чавандозлик мусобақалари ўтказилади. Мерган ва чавандозлар яхши ниятлар билан голиблик учун ҳаракат қилишади, чунки ҳиндларнинг эътибор- рича, кимки шу кунини мусобақа соври- нини қўлга киритса, келгуси йил ҳам унинг учун омадли ва қувончли кела- ди. Йилнинг биринчи кунини асабийла- шиб мумкин эмас. Янги йил дилқира- лик билан бошланса, бу кайфият йил бўйи давом эттиши мумкин. Шунинг учун ҳиндлар эрта тонгда туриб байрам- ни хурсандчилик билан ўтказишга ҳаракат қилишади.

**Хитойликлар** Янги йилни "Чиқроқлар байрами" деб аташади. Бу мамлакатда кўп йиллар давомида қаҳратон қишининг совуқ ва изгири кунлари остида хайр- лашиб, табиат уйғонишини кутиб олиш одат бўлиб қолган. Шу боис ҳам хитойликлар байрамни ўз календарла- ри бўйича йилнинг ўн бешинчи кунини- да нишонлашади. Янги йил эса дарах- тлар қуртат оца бошлаган февраль ойи охиридаги қириб келади ва бу қувралм ташрифидан дарак беради. Янги йил чиқроқлари ўн иккита "Шенясо"—ҳар йил рамзи бўлган жониворлар кўрини-

шида ўрнатилади. Байрам оқшомида эса барча чиқроқлар ёқилиб, кўчалар нурга чўма- ди. Бу билан чинликлар зулмат тарк этиши ва янги йил ёруғ келишини тилашади.

Янги йил оқшомида **Япония** шаҳарлари- ни кўнғироқларнинг "жаранг-журунги" тўтиб кетади. Кўнғироқларнинг 108 марта янграши эски йил тугаб, янги йил кириб келганини билдиради ва барча инсонлар ёшига бир ёш қўйилади. Ҳатто байрам ара- фасида туғилган чақалоқ ҳам бир ёшга тўлган ҳисобланади. Инсонда хасислик, аҳмоқлик, ёвузлик, ишончсизлик, ҳасадг- ўйлик, жоҳиллик каби иллатлар бўлиши мумкин. Шу билан бирга японлар ҳар бир инсон ортидан 108 хил кулфат эргашиб юради, деб ҳисоблашади. Кўнғироқлар- нинг 108 хил жаранги инсонни бу иллат ва кулфатлардан халос қилар экан.

Янги йил кириб келишига бир кун қол- ганда **Колумбия** кўчаларида ҳам катта кўнғироқлар кўтариб юрган кишиларни учратиш мумкин. Кўнғироқлар эски йил рамзи бўлиб, гўёки одамлар уларга бар- ча яхшиликлар учун миннатдорчиликлар айтиб хайрлашади.

**Кубаликлар** байрам арафасида хона- дондаги барча идишларни сув билан тўлдириб қўйишади. Соат 12:00 га бонг ургач, эски йил муваффақиятли яқун топ- гани сифатида сувни қайтиб тўкиб юбо- ришади ва янги йил ҳам бахту омад кел- тиришини тилаб қўлишади.

Сув билан боғлиқ аънаналар **Сканди- навия** халқларини ҳам четлаб ўтмаган экан. Байрам кунлари Швеция ва Нор- вегия ахли денгизда чўмилишни эзгу амал, деб билишади. Бу билан викин- гларнинг авлодлари айрим ёқимсиз ил- латлардан покланишади ва янги йил- ни мусаффо орзу-ниятлар билан кутиб олишади.

Янги йил оқшомида **Ирландияга** бо- риб қолсангиз борми... Бу кун ёпик эшиклар очилади, байрам шарофатидан ҳар ким хоҳлаган уйига кириши мумкин. Ирландлар меҳмонни очик юз билан кутиб олишади ва турли ширинликлар билан сийлашади. Соат 12:00 га яқинла- шиши билан тилақлар билдирилади. Уйин-кулги, базми жамшид ярим тунга- ча давом этади.

**Грецияда** Янги йил тантаналарини янада қизикроқ ўтказишади. Байрам ке- часига таклиф қилинганлар ўзлари билан совға сифатида торт, ичимлик ёки бирор қимматбаҳо буюм эмас... тош олиб боришади. Манзилгани ифодалайди.

**Германияда** ҳам янги йилга ажойиб тарзда қадам қўйишади. Немислар эски йилнинг сўнги дақиқалари тугаётган пайтда стол, стул ва бошқа жиҳозлар усти- га чиқиб оладилар ҳамда ўзига хос "усул"да қувонч тилақлари билан янги йилга "сакраб" ўтадилар. Бу рамзий ҳаракат- лар эски йилнинг тарихига айлангани, умрининг яна бир қимматли йили поёни- га етганлигини ифодалайди.

**Италиянинг** айрим ҳудудларида эса янги йил кириб келишидан аввалроқ одам- лар уйларидаги буюмларни кўчга олиб чиқиб ташлашади. Бу одат замирида эски йилдаги гинаю араз, ташвишу гам-қайгу шу буюмлар билан қолиб кетиши, Янги йил, Янги кун, Янги ҳаёт бошланишини ифодаловчи эзгу ниятлар ётади.

**Франция** жанубида янги йил кунлари аёлларнинг бир-бирини меҳмон қилиш одати бор. Байрам кунини булоқдан бирин- чи бўлиб сув тўлдириб олган бека чашма

олдига янги йил дастурхонидан ширин- ликлар қолдиради. Унинг ортидан кел- ган аёл ҳам ширинликни олиб, ўрнига ўзи таёрлаганини қўяди. Шу тарихи меҳ- мондорчилик кечгача давом этади.

**Буюк Британия** болалари ҳам янги йил бошланишини гаройиб "қилиқлар" билан кутиб олишади. Байрам арафа- сида оппоқ кийим, ниқоб кийиб оли- шади ва ота-оналари, дўстларини кўрқитишади. Ашаддий тўпалончилар ошқовоқдан кўз, оғиз-бурун чиқариб, дахшатли "махлук"нинг бошини яса- шади ва янада кўрқинчли бўлиши учун қовоқ ичига шам ёқиб қўйишади. Зим- зиё тунда "оғзидан олов пурқаётган мах- лук"ни кўриб, ҳар қандай марднинг ҳам ўтақаси ёрилмай қолмайди. Бу аънаа АКШда ҳам учрайди.

Осиё мамлақати **Бирмада** янги йил апрель ойининг ўрталарига тўғри келади. Байрам мавсумининг алмашиши- қурғоқчилик тугаб, ёмғирли кунлар бошланишини аниқлатади. Шунинг учун ҳам халқ бу кунни шодиёналар билан кутиб олади. Айём кунлар кўчалар бўйлаб сув тўлдирилган идишлар ор- тилиган машиналар инсонларга оби ҳаёт улашади. Кун ботиши билан пойтахт- да катта тантана бошланади ва унга шахсан қиролнинг ўзи ташриф буюра- ди. Шунингдек, Бирмада Янги йил кунини балиқларни сув ҳавзаларига қўйиб юбориш одати сақланиб қолган. Яъни, бирмаликлар байрамни хайрли, савобли ишлари билан ўтказишни яхши кўришади.

Оз қизиги, **Россияда** Янги йил оз эмас, кўп эмас, ўн бир мартаба кутиб олинади. Буни ҳудудлар ўртасидаги вақт тафовути билан изоҳлаш мумкин. Масалан, москваликлар тунги соат 12:00 да Янги йил кириб келишини кутиб олаётган пайтда, Чукотка вилоя- тиде эски йил яқун топганига роппа- роса беш соат тўлган бўлади.

# ҲАФСАЛА ҚИЛСАНГИЗ...

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА ОЗ ҚОЛДИ...

**МУВАФФАҚИЯТ СИРИ.** Ҳар бир машқ асоси - мушакларни навбатма-навбат турли йўналишлар бўйлаб зўриқтириш ва бўшатиришдан иборатдир. Бундай машқлар учун катта кучкуват сарфланади ва эришилган натижа ҳам шунга яраша бўлади. Ушбу машқларни бажариш учун ярим соат бўш вақт, диван ва узун шарф керак бўлади.

**НАТИЖА.** Мушакларнинг қайишқоқлиги ортади. Тананинг кўриниши ўзгаради. Бел ингичкалашиб, бўкса ажралади ва кўкрак бўртиб кўринади. Тери остидаги ёғ тезда йўқолиб, чиройли юра бошлайсиз.

**ҲОЙДА.** Саноқли кунлар ичида бажарилган машқлардан сўнг танангиз анча ихчамлашганини ва бунга атрофингиздагилар ҳам бефарқ эмаслигини сезасиз. Маслаҳатимиз бу амалларни йил давомида бажаришга одатланинг. Кейин хурсанд бўласиз.


**СИЛЛИК ҚОРИН...**  
→ Диван ёки стулда ўтирган ҳолда кафтларингизни тиззадан юқорига қўйинг. Белни эса тик тутинг. Қорин мушакларида зўриқиш сезилгунча қўлларингизни пастга босинг.  
→ Диван ёки стулда ўтирган ҳолда қорингизни тиззаларингиз устига қўйинг. Кафтларингизни чаккага қўйиб, белингизни тўғри тутинг. Танангизни белингизда зўриқиш сезилгунча кўтариб туришга ҳаракат қилинг.

**ЧИРОЙЛИ ОЁҚЛАР...**

→ Полга ётиб, тиззадан букилган оёқларингизни шундай кўтариш, буксангиз полда тик ҳолда бўлсин ва оёқларингизнинг учи диванга тегсин. Белингизни полга тираб, қўлларингизни бўш қўйинг. Тонвларингиз ёрдамида диванни бор кучингиз билан тепкиланг.

→ Диван ёнида ўтириб, гавдангизни орқага ташлаб, кафтларингизни олдинга узатинг. Оёқларингизни тиззадан букиб, диван четига шундай тиралингиз,

Янги йил байрами окшомида киш бўйи тўлишган қоматни бўйиш керакми ёки қадди-қоматни кўркамлаштирган маъқулми? Тўғри танладингиз. Ҳатто, энг кимматбаҳо либослар ҳам танани кўркамлаштира олмайди. Ҳаракат бизга тўғри овқатлаш, соф ҳаво ва тоза сувдек зарур. Бирок, энг гўзал қадди-қомат соҳибаси бўлиш учун фитнес клубларда соатлаб машқ қилиш шарт эмас. Қоматингиз тик ва келишган бўлишини истайсизми? Агар фитнес клубларга боришга эринсангиз, сеvimли диванингиздан турмасдан ҳам сарвақомат гўзалга айланишингиз мумкин. Ишонмасангиз, синаб кўринг.



товонлар ва тиззангиз эса бир текисда бўлсин. Ўнг товонингиз билан диванни сураётгандек ҳаракат қилинг, худди шу машқни чап товонингиз билан ҳам такрорланг. Ушбу машқни товонларнинг деворга тираган ҳолда ҳам бажариш мумкин.

→ Полга ўтириб, гавдангизни кафтларга тираган ҳолда орқага ташланг. Стул оёқларини тиззаларингиз билан қаттиқ сиқинг. Бу машқни бажараётганингизда бел букилмайди.

→ Полга ётиб, бирлаштириб букилган оёқларингизни стул остига қўйинг. Белингизни полга қаттиқ тираб, қорин мушакларини зўриқтирган ҳолда оёқларингизни имкон қадар кенгрок очишга интилинг.

**КУЧЛИ ҚўЛЛАР...**

→ Қўлларингизни орқага қилган ҳолда деворга қапишиб туринг. Кафтларингизни девордан олмай, гўё деворни ақдариб юбораётгандек бор кучингиз билан итаринг.

→ Деворга суянган ҳолда оёғингиз остидаги узун шарфни бор кучингиз билан тортинг. Сўнг деворга тиралиб, тиззангизни букиб,

уч бурчақ ҳолатда ўтиринг. Тирсақларингизни ҳам 90 букинг. Бармоқларингизни шарфнинг тортиш кучини енгган ҳолда юқорига кўтаринг.

**ХИПЧА БЕЛ БЎЛАСИЗ!**

→ Тиззангизда туриб,

чап қўлни белга қўйиб, ўнг қўлингизни бошингизга босиб, чап томонга бурилинг. Қўлларингиз то белга етгунча эгилишга ҳаракат қилинг. Кейин шу ҳолатни ўнг қўл билан ҳам такрорланг.

→ Диван ёки полга ўти-

### УЙДА БАЖАРИЛАДИГАН МАШҚЛАРНИНГ ОДДИЙ ҚОИДАСИ.

**МУНТАЗАМ.** Ушбу машқларни тананинг муаммоли жойлари учун алоҳида бажарасиз.

**НАТИЖАСИ.** Айрим мушакларингизни 5 лаҳза давомида зўриқтириб, кейин 30 лаҳза бўшатириг. Ҳар бир машқни 5 мартадан бажаринг.

**Тўғри НАФАС ОЛИШ.** Бурун билан чуқур ва бир текисда нафас олинг-да, тез чиқаринг. Сўнг ўпкангизни тўлдириб, чуқур нафас олинг.

Ҳар бир ҳаракатни ҳис қилиб, аниқ бажаришга ҳаракат қилинг.

Қориндаги мушаклар ҳар доим таранг бўлишига эътибор қилинг. Биринчидан, ушбу машқларни зўриқиб бажариш, иккинчидан эса бўшашган ҳолатни ҳам сақлай олиш керак. Бу машқларни бажариш пайтида елка биров осилган ва зарур йўналишда ҳаракат қиладиган бўлиши лозим.

## КўРКАМЛИК ЙўЛЛАРИ

**БИР ЛАҲЗАДА...**

Белингизни тик тутиб, елкаларингизни туширинг. Курақларингизни бир-бирига сал теккизиб, қорнингизни ичга тортинг-да, бор оғирлигингизни оёғингизга солинг. Ана шу ҳолатда қоматингизни тик тутиб турсангиз, бир лаҳзанинг ўзидаёқ қоматингиз кўркам бўлади, қолади.

**ИККИ СОАТДА...**

Бир неча марта буғхонага кириб, чиқсангиз, вазнингиз 0,5-1,5 килога камаяди. Бу танадаги суюқликни камайтиради. Йўқотилган вазн қайтмаслиги учун қуйидаги усуллардан фойдаланинг.

- ✓ Сауна ёки ҳаммомга мунтазам қатнang. Буғхонада узoқ ўтирманг, балки тез-тез кириб-чиқиб туринг.
- ✓ Дам олиш пайтида қайноқ ичимликлар ичинг.
- ✓ Ҳаммомдан сўнг иссиқ ва совуқ душ ёки ванналар қабул қилманг. Совуқни сезган тана ўзининг ёғ қаватини йўқотмайди.

**24 СОАТДА...**

Кунига 1-2 литр минерал сув ичиб, бир кун парҳез қилинг. Сув танага сингмигани учун бир кунда бир ярим килогача озишингиз мумкин.

## БИР ЗУМДА ЗОЛУШКАГА АЙЛАНАСИЗ

→ Аввало ишни иссиқ ва совуқ душ қабул қилишдан бошлаш лозим. Тери таранглашиб, қайишқоқлиги ошади. Тетиклашасиз. Бир ярим минут давомида иссиқ (41 С), кейин эса, 20-15 С гача туширилган сув остида 30 лаҳза туринг. Бунни бешолти марта такрорланг.

→ Душдан сўнг энди терига озиклантирувчи косметик суддан (молочко для тела) суриг. Оёқларни ўрта ва кўрсаткич бармоқлар билан аввал тепага ва ўртасига қарата уқалаб чиқинг. Бир неча ҳаракатдан сўнг чарчоқ йўқолади.

→ Агар тўйиб ухлай олмаган бўлсангизу, кўларингиз чакнаб туришини истасангиз...1 ош қошиқ қуритилган бўтакўз (ва-

сильёк) гули устига 1 стакан қайноқ сув қўйиб иссиғича ўраб қўйинг. Дамлама ярим соат турганидан сўнг, пиёлалардаги бири иссиқ ва бири совуқ бўтакўз гули дамламасига салфетка ботириб, бир неча минутдан 3-4 марта кўзларингизга босинг. Сўнг қовоқлар учун мўлжалланган крем суриб, салгина упа сепиб, макияж қилинг

→ Энди юзингиз учун қуйидаги ниқобдан фойдаланинг: 1 донатухум сариги ва 1 чой қошиқ асалдан иборат ниқобни тозаланган юзга қалин қилиб суриб, юз мушакларини бўшатириган ҳолда биров ётасиз. Қуригач ниқобни илиқ сув билан ювинг. Сўнг бирорта кремдан суриб, 10 минутдан кейин байрам пардозини бошлашингиз мумкин.

Тирноқларингизни ҳам ўзингиз маникюр қилишингиз мумкин. Аввал тирноқлар атрофига илиқ ўсимлик ёғидан суриб қўйинг. Кейин махсус аррача билан тирноқ учларини текислаб, шаклга солиб, лак суриг. Ниҳоят байрамга тайёргарлик сўнггида сочларингизнинг илдизи ўсиб, бўялган сочларингиздан ажралиб турганини кўриб қолдингиз? Қайфиятингиз бузилмасин. Фарқингизни илонизи шаклида очсангиз, ўзига хос турмак бўлиб кўринади.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**





**642** Ёшим 66 да. Асли тошкентликман. Пенсияданман. Диёнатли, олижаноб ва ҳақгўй инсонман. Аёлим қазо қилган. Фарзандларимнинг ҳаммаси уй-жойли бўлиб кетишган. Уйланишимга улар ҳам рози. 60 ёшгача бўлган, оқила, сабру тоқатли муниса бир аёл бўлса, уйланмоқчи эдим.  
**Манзилим тахририятда.**  
Камол ота

**643** 50 ёшдаман. Турли сабабларга кўра вақтида турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Асли тошкентликман. Отанам билан яшайман. Ишлайман. Кўришим кўрак. 55 ёшгача бўлган, тошкентлик, меҳрибон ва кўнглимни тушуна оладиган эркак билан оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Малика

**644** Ёшим 34 да. Тошкент вилоятида яшайман. Турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. 37 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган, олий маълумотли, ўзининг уй-жойи бор, ишлайдиган, жиддий эркак билан мустаҳкам оила қуриш ниятидаман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Кумуш

**645** Ёшим 31 да. Олий маълумотлиман. Ишлайман. Асли тошкентликман. Ҳали турмуш қурмаганман. 37 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўз уй-жойига эга, касб-хунарли, эркак билан оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Гулчехра

**646** Синглимнинг ёши 28 да. Не-не умидлар билан қурган оиласи бузилди. Маълумоти олий. Келишган, замонавий саранжом-саришта, уй-жойи бор. Моддий томондан таъминланган. Нуфузли жойда ишлайди. 30-38 ёшгача бўлган, оиласини моддий таъминлай оладиган, тошкентлик, уй-жойли эркак бўлса, синглимни узатардик.  
**Манзилимиз тахририятда.**  
Азиза опаси

**647** Ёшим 32 да. Асли тошкентлик, зиёли оиланинг фарзандиман. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Ажрашганман. Ўзимнинг алоҳида уй-жойим, машинам бор. Моддий таъминланган, келишган йигитман. 30 ёшгача, замонавий, ақлли, дилкаш, ораста бир қиз ёки жувон (ажрашган бўлса ҳам фарзанди йўқ) билан танишмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Амир

**648** Асли қашқадарёликман. Ёшим 40 да. Онам иккимиз яшаймиз. Онамни ёлғиз қолдиришга кўзим қиймасдан ёшлик йилларимни ўтказиб юбордим. Маълумотим олий. Келишган, меҳнатқаш ва меҳрибон аёлман. 40 ёшгача бўлган, олий маълумотли, мени ва онамни хурмат қиладиган, уй-жойли, таъминланган эркакка турмушга чиқмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Сабоҳат

**649** Ёшим 35 да. Ажрашганман. Бир қизчам бор. Келишган аёлман. 45 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, жиддий, қизчамга оталик меҳрини бера оладиган диёнатли эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Ойниса

**650** Ёшим 29 да. Ажрашганман. Асли тошкентликман. Икки нафар қизчаларим бор. Олий маълумотлиман. Замонавий ва ораста аёлман. Ишлайман. 35-40 ёшгача, тошкентлик, баланд бўйли, ўзининг уй-жойи бор, келишган, қизларимга оталик меҳрини бера оладиган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Зиёда

## ЖУФТИНГИЗНИ ИЗЛАНГ...

- Сиз берган телефон бўйича Маҳбуба деган бир чиройли, намозхон аёл билан танишдим. Тўғри унинг кўриниши жуда кўрак, қараган одамнинг яна қарагиси келади. Лекин у аёл билан турмуш қура олмайман, - гап бошлади Зухриддин исми йигит.  
**651** - Маҳбубанинг бирор камчилиги бор эканими?  
- Камчилиги десаммикан? Сизга очигини айтаман. Чунки ўзига ҳеч нарса айтмадим. Ҳарқалай бу ноқулай-да.  
- У ўз хатосини билиши керак, шундай эмасми?  
- Тўғри, ўзим ҳам кейин афсусландим. Биласизми, чиройли бу аёл ўзига жуда эътиборсиз экан. Йўқ, кийинишини айтмайман. Кийимлари ўзига ярашиб турибди. Бир куни синаси учун Маҳбубани уйимга таклиф қилдим. У менга ёқа бошлагани учун аввал яшаш тарзимни кўрсин, маълум бўлса уйига совчиларимни жўнатарман, деб ўйлагандим. Дастурхон устида ишдан, ҳаётдан гаплашиб ўтирдик. Аммо... Гаплашган сари камчиликлари менга сезила бошлади.  
- Яъни...  
- Негадир бўлар-бўлмасга қаҳ-қаҳлаб кулар, шунда оғзидан тупуқлари дастурхондаги нонлар устига сачраб кетарди. Саргайиб кетган тишларидан уларни ювмаслиги кўриниб турарди. Мен эркак кишиман, тақдиримда бор экан, ёлғизман. Лекин жуда ҳам ораста инсонман. Тишларимни уч маҳал ювмасам кўнглим жойига тушмайди. Кийим-ке...

чагимни ҳам иложи борица тозасига алмаштираман. Бадбўй хид таралиб, атрофдагиларнинг таъбини бузмасин, дейман. Бу аёлдан эса... Тишини ювмаслиги аниқ, ҳатто унинг кийимларидан ҳам тер ҳиди уфуриб турарди... Бу ҳам майли-я...  
- Нима бўлди?  
- Борган сари асабим бузила бошлаганини ҳис қилиб турардим. Соатга қарасам тўққиздан ўтибди. Унга вақт ҳақида гапирсам, эшитмаганга олади. Соат ўн икки бўлганда: «Сизни уйингизга олиб бориб қўям, кеч бўлиб қолди», - десам: «Бир кеча минг кеча бўладими? Энди борсам мен ижарада турадиган аёл киритмайди уйига», - деди. Ўзи ижара уйида биттагина диван бор эди. Шунга жой қилиб бериб, эрталабгача ошхонада совуқдан дилдираб ўтирдим. Ухламаганим учун эртасига машинани авария қилишимга сал қолди.  
- Ҳозир Маҳбуба билан муносабатингиз қандай?  
- Сира сўраман! Ундан ўзимни олиб қочаяркан. У бўлса ҳар ярим соатда кўнгирак қилгани-қилган. Охири телефони рақамини ўзгартирдим. Очиғини айтсам эркак киши гурурли, шарм-ҳаёли, покиза аёлларни ёқтиради. Ана шундай талабларга жавоб бермас, уйланишдек жиддий қадамни қўймайди. Мен ҳарқалай шундай фикрдиман... Излаганим, истаганим топилармикан?

**652** - Кенжа боламнинг тавиши билан келдим. Ўғлимнинг ёши 38 да. Бир неча ҳунарлари бор. Маълумоти ҳам олий. Жуда камтарин, меҳнатқаш йигит. Лекин оиладан омади келмади, - дея гап бошлади ўзини Меҳри хола, дея таништирган аёл.  
- Шунчалик яхши экан, нега ажрашишди?  
- Э, нимасини айтмай? Болам бир амалдорнинг қизини яхши кўриб қолди. Қудам катта жойда ишларди. Биз эса оддий оила эдик. Лекин ўғлимнинг кўракчилиги, ақллигини кўриб қувв қилганиди. «Дом» да ўрган қиз бўлгани учун келимин ҳовлига сира кўника олмади. Ўғлимни унча менсимасди. Кей...

инчалик мени ҳам одам ўрнида кўрмай қўйди. Мен-ку, ҳаммасига рози эдим. Ишқилиб, ўғлим билан яшаса бўлди-да, дердим. Йўқ, ширингина оиласининг қадрига етмади. Отасиникига кетганча судга ариза берибди. Мен келимининг на отаси, на онаси келишиб биз билан гаплашмаганига ҳайрон қолдим. «Ахир ўртада боласи бор эди-ку», деб йиғладим. Шунга ҳам уч йил бўлди. Кўзим тириклигида шу боламини уйлантирсам, дейман-да. Қани энди 35 ёшгача бўлган, тошкентлик қизми, аёлми бўлса-ю, келин қилсам? Келимин билан ўғлим бир-бирларини севиб-севилиб, яшашса бўлгани...

**653** - Жиянимнинг ёши 29 да. Маълумоти олий. Исми Меҳнобу. Тақдирда бор экан оиласи бузилди. Бир ўғли билан ёлғиз қолди. Шундай чиройли, саранжом-саришта, хушрўй жиянимнинг бахтсиз бўлганига онасидан ҳам кўпроқ мен қуяман, - дея ўзини таништирди Баҳор исми аёл.  
- Ҳозир жиянингиз қаерда яшайди?  
- Тошкентда ўзининг алоҳида уй-жойи бор. Яхши жойда ишлайди. Ёлғизгина ўғлини ҳеч қимдан кам қилмай ўстирапти. Уйим-жойим, деб елиб-югуради. 40 ёшгача бўлган, Тошкентда яшайди...

ган, ишлайдиган, бир сўз билан айтганда жиянимни бахтли қиладиган бир эркак бўлса, уни узатган бўлардик...

**Инсонлар умрининг ҳар бир лаҳзасини бахтли ўтказсалар қанийди? Бироқ, учиб кетган бахт қушининг ортидан афсусланиб, умрни ўтказишдан ҳам фойда йўқ. Ўз бахтингиз, жуфтингизни изланг. Ўз жуфтиларини излаётган ушбу инсонларнинг манзиллари эса тахририятда.**

БАСИРА тайёрлади

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**  
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

(Боши 12-бетда)

Ўрни келиб қолди чоғи, ҳамма биладиган бир нарсани эслатиб кетсам. Келин билан қайнона-қайнота ўртасида келишмовчилик бўлиб, аччиқ-араз чиққудай бўлса, энг кўп оғирлик қувв болага тушади. У ҳам сандондан азият чекади, ҳам болгадан. Бинобарин, у ҳақиқатан ҳам эсанқираб қолади. Қай томонга боришини билмай эзилса, меровсираб юради. Буни на умр йўлдоши тушунади, на онаизор билан падари бузруквори тушунади. Тушунсалар ва бунинг

## ХЎП ДЕЙДИ-Ю, ҚИЛМАЙДИ

эвини қилсалар қуввлар бунчалик қайғуга ботмаган, соғлигини адр қилмаган бўлармиди...!  
Кун сайин, ой сайин ўсиб бораётган Муҳаббатхоннинг қорнидаги хомиласи секин-секин қимирлаб ўзининг ой-кун яқинлашиб келаётганидан хабар бера бошлади...  
Ҳаёт шундай, оғирликни дастлаб бир томон ўзига олса, бора-бора иккинчи томон ҳам ўзига олади. Олади! Ишонаверинг!

Оқибатда хонадон аҳли хотиржам топади. Оила гуллаб-яшнайди. Мазах қилувчилар эса тилларини тишлаб қолади...  
Ҳалима опоки аслида табиатан юмшоқ кўнглили аёл эди. Одил амаки диёнатли киши эди. Улар ниҳоят, келинини ўзларининг фарзанди каби, баҳордунки ниҳолдек кўрдилар. Қаёққа эгса, шу ёққа эгиллишини билдилар. Ҳар куни бўлмас-да, ҳар қалай ўғлида бўлиб турадиган

фаромушлик, лоқайдлик хали анча гўр келинда ҳам бўлиши мумкинлигини тушундилар, ён бердилар, кечирдилар...  
Яхшиямки, ҳаётда қайнона-қайнота бундайроқ чиққанда, келинлар оқила, солиҳа чиқади. Келинлар ундайроқ чиққанда, қайнона-қайнота инсофли, диёнатли чиқади. Қарасангиз, турмуш-бирга туриш бўлиб, ҳамма шод-хуррам ҳаёт кечиради. Ёшлар эса бахтиёр бўлиб қўша қарийди. Қандай яхши!!!!...  
Беайб-ёлғиз Парвардигор...

Азизжон ҚОСИМОВ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21:00. Босишга топширилди - 22:00  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Бош муҳаррир: 234-86-91  
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 234-25-46  
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: 133-04-35, 234-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Web-site: oilavajamiyat.uz  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**  
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 1133. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 10856  
Навбатчи — Н. ИМОМОВ  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ 1 2 3 4 5 6 7 8